БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 284 (16.670). | 5 декабрь 1976 йил, якшанба | Баҳоси 2 тийин.

Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси, Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Фидель КАСТРО РУСга

ГАВАНА.

Азиз ўртоқ Фидель Кастро!

Куба Республикаси Давлат Кенгашининг Раисидек юксак ва масъулиятли лавозимга сайланишингиз муносабати билан Сизни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва бутун совет халқи номидан астойдил табриклаймиз.

Кубадаги халқ ҳокимияти органларининг чинакам демократик сайлови умумхалқ сиёсий жўшқинлиги вазиятида ўтди. Коммунистик партия билан халқ бузилмас бирлигининг ёркин намойишига айланди. Сайлов якунлари Куба халқининг Куба Коммунистик партияси I съезди тарихий қарорларини қизғин қўллаб-қувватлаётганлигидан яна бир карра далолат берди.

Халқ ҳокимияти Миллий Ассамблеясининг биринчи сессияси 2 декабрда — Сиз бошчилик қилган довюрак революционерлар «Гранма» қайигидан тушиб, шу тарихий галабаси билан тугалланган ва Америка қитъасидаги биринчи социалистик давлат ташкил этилган воқеанинг 20 йиллиги кунида чакирилганлиги ғоят рамзийдир.

Сиз якдиллик билан давлат ва ҳукумат бошлиғи этиб сайланганлигингиз — Куба меҳнаткашлари Сизга чуқур ишонч билан қараётганлигининг янги исботидир. Сизнинг Куба революциясини амалга ошириш ва ривожлантиришдаги, мамлакатда социализмни муваффақиятли қуришдаги, жаҳон коммунистик ҳаракати жипслигини мустаҳкамлашдаги бениҳоя зўр хизматларингизнинг тасдиқидир.

Биз шунга эминмизки, Сиз бу юксак лавозимда Совет Иттифоқи билан Куба ўртасидаги бузилмас дўстлик ва қардошларча ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш ишига, мамлакатларимизни, социалистик ҳамдўстликдаги барча давлатларни ўзаро яқинлаштириш ишига бундан буён ҳам муносиб ҳисса қўша берасиз.

Шу олижаноб вазифаларни амалга оширишда Сиз ҳамиша бизнинг тўла мададимиз ва ҳамкорлигимизга умид боғлайверишингиз мумкин.

Қулай фурсатдан фойдаланиб, Миллий Ассамблея депутатларига, Куба Республикаси Давлат Кенгашининг ва Министрлар Советининг аъзоларига самимий табрикларимизни топширишингизни сўраймиз.

Азиз ўртоқ Фидель, Сизга чин кўнгилдан сиҳат-саломатлик ва Куба халқининг бахт-саодати, социализм ва тинчлик ишининг тантанаси йўлидаги самарали фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилаймиз.

Л. БРЕЖНЕВ. Н. ПОДГОРНИЙ А. КОСИГИН

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегациясининг Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий Маслаҳат Комитетининг 1976 йил 25-26 ноябрда Бухарестда бўлиб ўтган Кенгаши иши тўғрисидаги ахборотини тинглаб, Кенгаш якунларидан мамнун эканликларини изҳор этадилар ва Совет делегациясининг фаолиятини тўла-тўкис маъқуллайдилар.

Сиёсий Маслаҳат Комитетининг навбатдаги кенгаши Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг ўзаро келишиб олинган ҳамда Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга, кескинликни юмшатишни чуқурлаштиришга ,турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасида тинч-тотув яшаш принципларини қарор топтиришга қаратилган йўлни давом эттиришга қаттиқ аҳд қилганликларини яна бир карра намойиш этди. Бухарестда қабул этилган Декларация жуда муҳим сиёсий ҳужжат бўлиб, унда халқаро вазият чуқур анализ қилинган, кескинликни юмшатиш учун курашдаги муваффақиятлар, бу йўлда турган тўсиқлар кўрсатиб берилган, халқларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушадиган янги катта ташаббуслар баён этилган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланишга ўтиш соҳасида ҳеч кечиктирмай чоралар кўрилиши зарурлиги тўғрисида Декларацияда баён этилган қоидаларинг принципиал аҳамиятини таъкидлайдилар. Бунда гап ҳозирги халқаро ҳаётнинг энг муҳим проблемалари устида боқаётир, инсониятнинг келажаги шу проблемаларнинг ҳал этилишига жуда кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Сиёсий Маслаҳат Комитети Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг қуролсизланиш ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тақдим этган, Европа коммунистик ва ишчи партияларининг Берлин конференциясида ўртага ташланган конкрет таклифларини қўллаб-қувватлаш билан бирга Умумевропа кенгашида қатнашган ҳамма давлатлар бир-бирларига қарши биринчи бўлиб ядро қуроли ишлатмаслик тўғрисида битим тузсин, деб таклиф қилди. Бу таклифнинг амалга оширилиши ядро уруши хавфини камайтиришда, бутун халқаро сиёсий иқлимни янада соғломлаштиришда, шубҳасиз, муҳим роль ўйнаган бўлур эди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети шуни қайд этадиларки, Умумевропа кенгашининг ташаббускорлари бўлган Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Хельсинкида қабул этилган Якунловчи акт руҳида қатъият ва изчиллик билан ҳаракат қилмоқдалар, Европадаги ҳамма давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан янги ташаббуслар билан майдонга чиқмоқдалар.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳар томонлама қардошларча ҳамкорлиги уларнинг миллий ва интернационал вазифаларини ҳал этишда, революцион ғалабаларни ҳимоя қилишда ҳамда халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун курашда қудратли омил бўлиб қолганлигини тарих тажрибаси кўрсатди. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Декларацияда баён этилган қоидаларинг принципиал аҳамиятини таъкидлайдилар. Бунда гап ҳозирги халқаро ҳаётнинг энг муҳим проблемалари устида боқаётир, инсониятнинг келажаги шу проблемаларнинг ҳал этилишига жуда кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Сиёсий Маслаҳат Комитети Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг қуролсизланиш ва халқаро хавфсизлик масалалари юзасидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тақдим этган, Европа коммунистик ва ишчи партияларининг Берлин конференциясида ўртага ташланган конкрет таклифларини қўллаб-қувватлаш билан бирга Умумевропа кенгашида қатнашган ҳамма давлатлар бир-бирларига қарши биринчи бўлиб ядро қуроли ишлатмаслик тўғрисида битим тузсин, деб таклиф қилди. Бу таклифнинг амалга оширилиши ядро уруши хавфини камайтиришда, бутун халқаро сиёсий иқлимни янада соғломлаштиришда, шубҳасиз, муҳим роль ўйнаган бўлур эди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети шуни қайд этадиларки, Умумевропа кенгашининг ташаббускорлари бўлган Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Хельсинкида қабул этилган Якунловчи акт руҳида қатъият ва изчиллик билан ҳаракат қилмоқдалар, Европадаги ҳамма давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан янги ташаббуслар билан майдонга чиқмоқдалар.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳар томонлама қардошларча ҳамкорлиги уларнинг миллий ва интернационал вазифаларини ҳал этишда, революцион ғалабаларни ҳимоя қилишда ҳамда халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун курашда қудратли омил бўлиб қолганлигини тарих тажрибаси кўрсатди. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Декларацияда баён этилган қоидаларинг принципиал аҳамиятини таъкидлайдилар. Бунда гап ҳозирги халқаро ҳаётнинг энг муҳим проблемалари устида боқаётир, инсониятнинг келажаги шу проблемаларнинг ҳал этилишига жуда кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий Маслаҳат Комитети навбатдаги кенгашининг якунлари, унда қабул қилинган қарорлари Европадаги ва умуман дунёдаги вазиятнинг бутун ривожига хайрли таъсир ўтказиши, халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш, «совуқ уруш» қолдиқларини бутунлай тугатиш учун ,тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун курашда янги омил бўлиб қолиши шубҳасиздир.

кенгайтиришни; комплекс программани янада тўла-тўкис рўёбга чиқариш ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши XXX сессияси қарорларини бажариш манфаатлари йўлида икки томонлама ва кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришни; маданият соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари ва гражданлар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантиришни кўзда тутувчи қоидалари катта принципиал аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар барча социалистик мамлакатларнинг бирдамлигини мустаҳкамлашга аҳд қилганликлари Декларацияда баён этилганлигининг принципиал аҳамиятини уқтирадилар, халқаро коммунистик ва миллий озодлик ҳаракати билан, демократия, миллий мустақиллик ва социал тараққиётнинг ҳамма кучлари билан баҳамжиҳат ҳаракат қилишнинг муҳимлигини таъкидлайдилар.

Сиёсий Маслаҳат Комитети ўртага ташланган муҳим ташаббуслар тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги кураш программасига батамом мос бўлиб тушади. Созет Иттифоқи тарихий жиҳатдан муҳим бўлган бу ишга қардош мамлакатлар билан биргаликда келгусида ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий Маслаҳат Комитети навбатдаги кенгашининг якунлари, унда қабул қилинган қарорлари Европадаги ва умуман дунёдаги вазиятнинг бутун ривожига хайрли таъсир ўтказиши, халқаро кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш, «совуқ уруш» қолдиқларини бутунлай тугатиш учун ,тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун курашда янги омил бўлиб қолиши шубҳасиздир.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг сессияси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон АССР Госплани раиси Д. Жумабоевнинг ўнинчи беш йилликда автоном республика халқ хўжалигини ривожлантириш давлат плани ва 1977 йил плани тўғрисидаги доклади ҳамда Қорақалпоғистон АССР молия министри Ж. Муятдиновнинг 1977 йилги автоном республика давлат бюджети тўғрисидаги ва 1975 йилги давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги доклади муҳокама қилинди.

Депутатлар ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида Қорақалпоғистон меҳнаткашларининг эришган муваффақиятлари тўғрисида мамлакатнинг бутун ҳаётини ёритиб берадиган ва ўзининг ўнинчи беш йилликда автоном республика олдида очилаётган янги кенг истиқболларни таъкидлаб ўтдилар.

1980 йилга борсак саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1975 йилги даражадан 26.2 процент ошиб кетади. Нефть, газ, рангли металлар, бинокорлик материаллари, химиявий туз, чучук ер ости сувлари манбаларини қидириб топиш ва ўрганиш мақсадида Қорақалпоғистон территориясини комплекс ўрганиш мўлжалланмоқда. Янги саноат корхоналари қурилади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг партия XXV съезди қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган комплекс программасини амалга ошириш туфайли ўнинчи беш йилликда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 29 процент кўпаяди. 1980 йилда 393 минг тонна пахта етиштириш планлаштирилиб қўйилган. Шоликорликни янада ривожлантириш ишлари давом эттирилади.

Олий Совет 1976—1980 йилларда Қорақалпоғистон АССР хўжалигини ривожлантириш давлат беш йиллик плани ва 1977 йилги план тўғрисидаги қонунларни, Қорақалпоғистон АССРнинг 1977 йилги давлат бюджети тўғрисидаги қонунни ва 1975 йилги бюджетнинг ижроси ҳақидаги қарорни бир овоздан қабул қилди.

Олий Совет ўз муҳокамасига тақдим этилган фармонларни тасдиқлади, тегишли қонун ва қарорлар қабул қилди. (ЎзТАГ).

БАХТ ҚОМУСИ

Бугун совет кишилари СССР Конституцияси қабул қилинган кунинг 40 йиллигини нишонламоқдалар. Мамлакатимиз меҳнаткашларининг Ленин партияси раҳнамолигида социализм қуришда эришган улкан ғалабалари, социалистик демократиямизнинг асослари қайд этилган СССР Конституциясини халқларимиз меҳр-муҳаббат билан бахтимиз қомуси деб атайдилар. Бу байрам республикамизда ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йили марраларини эгаллашда катта зафар қучган қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ҳосил байрамига уланиб кетди. Республикамиз она-Ватанга 5 миллион 330 минг тонна пахта топшириб, социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажарганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг табриги қувончимизга-қувонч қўшди, байрамимизни янада мунаввар қилди.

Бу — совет демократияси тантанаси байрамидир. Бу — СССР халқлари жипслиги, бузилмас дўстлигининг байрамидир. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг доно сиёсати ва раҳнамолиги туфайли, ҳокимиятни ўзи бошқараётган, ўзи тасарруф этаётган меҳнаткаш халқ социал-маданий қурилишда мислсиз йўлни босиб ўтди, халқ хўжалигини ривожлантиришда мўъжизакор ғалабаларга эришди. Республикамизда бу соҳада қўлга киритилган ютуқлар айниқса салмоқлидир. Улуғ Октябрь туфайли ўз эркига эришган халқимиз СССР Конституциясида белгилаб қўйилган барча ҳуқуқларидан баравар баҳраманд бўлиб, энг саводли, кўп ўқийдиган халқлардан бирига айланди. Ҳозир Ўзбекистон ССРда 7300 дан ортиқ умумий-таълим мактаблари ишлаб турибди. Уларда 3 миллиондан ортиқ ўқувчи билим олмоқда, тарбия кўрмоқда, олий ўқув юртлари сони эса 42 тага етди. Шундан учтаси университетдир. Бундан ташқари 189 та ўрта махсус ўқув юртларидан юз мminglаб ўқувчилар илм олиш билан бирга касб-ҳунар эгалламоқдалар.

Меҳнат аҳли тўғрисида ғамхўрлик қилиш, халқ фаровонлигини ошириш тўғрисида тинмай жон куйдириш — партия ва ҳукуматимиз фаолиятининг мазмуни ана шундан иборат. Республика миллий даромадининг муттасил ортиб бораётганлиги ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари ходимлари, хуллас барча меҳнат аҳлининг реал даромадлари кўпайиб бораётганлигида ўз ифодасини топмоқда. Кексаларга, қариялларга, инвалидларга меҳрибонлик ва ғамхўрлик меҳнат аҳлининг моддий фаровонлигини ошириш тўғрисидаги давлат сиёсатининг давомидир. Шунинг учун ҳам республикамизда ҳозир 2 миллион киши социал таъминот хизматидан фойдаланмоқда.

Бутун совет халқи наби республикамиз меҳнаткашлари ҳам шу кунларда КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида олға сурилган вазифаларни бажариш завқ-шавқи билан яшамоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар. Пленум ўнинчи беш йиллиқнинг планларини бажаришда асосий эътиборни қандай ишларга қаратиш зарурлигини аниқ ва равшан белгилаб, истиқбол режаларини ойдинлаштириб берди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси 1977 йил халқ хўжалиги планини ва беш йиллиқнинг охиригача бўлган марраларни конкрет белгилаб берди. Келгуси йил планларида КПСС XXV съезди эълон қилган кенг социал программа ўз ифодасини топганлиги қувончлидир. 1980 йилга бориб аҳолининг пул даромадлари 32,6 процент, ижтимоий истеъмол фондлари 32,2 процент кўпаяди. Шу вақт ичида умумий саҳни 26,3 миллион квадрат метр уй-жой қурилиб, ишга туширилади. Чакана савдода товар оборoти 39 процент кўпаяди. Соғлиқни сақлаш, маиший хизмат, социал таъминот ишлари янада ривожлантирилади. Меҳнаткашлар моддий фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган бу режаларнинг амалга оширилиши ҳар бир меҳнат коллективининг беш йиллиқда самарали ишлашига, халқ хўжалиги планларининг тўла ва ошириб бажарилишига, иш сифатининг яхшиланишига боғлиқдир.

Бугун СССР Конституцияси кунини нишонлар эканмиз, истиқболга ишонч билан боқмоқдамиз. Партия белгилаб берган режаларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз, халқимиз бойлигини янада оширишини, давлатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашни, бутун дунёда тинчлик ишига катта ҳисса бўлиб қўшилишини яхши билган совет кишилари ўнинчи беш йиллик планларини муваффақиятли ўринлатиш учун куч-ғайратларини, билимларини аямай меҳнат қиладилар.

ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Кеча республикамизда катта ва қувончли айём — ҳосил байрами бошланди. Меҳнаткашлар мўл-кўл пахта етиштирган, дон, мева ва узумдан мўл ҳосил олган, чорвачилик фермаларининг муваффақиятларини кўпайтирган кишиларни шарафламоқдалар. Ўзбекистон меҳнат аҳли лафзи ҳалол колхозчиларга ва совхозларнинг ишчиларига чин кўнгилдан раҳмат демоқда.

Бу галги байрамнинг алоҳида салобати бор. Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партияга, совет халқига: «5 миллион 330 минг тонна «оқ олтин»ни қабул эт, ол, Ватан!» деб рапорт бердилар. Дон, сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бошқа турларини етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар ҳам шараф билан бажарилди!» КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев яқинда республика меҳнаткашларини меҳнат ғалабаси билан қизғин ва самимий табриклади.

Ранг-баранг либосга бурканган Тошкент ипподромида зўр тантаналар бўлиб ўтди. Бу ерга Қорақалпоғистон АССР, Ўзбекистон областларининг вакиллари, шунингдек, саноат корхоналари, олий ўқув юртлари, илмий муассасаларнинг вакиллари меҳнат нашидасини қишлоқ меҳнаткашлари билан бирга суриш учун келдилар.

Ҳосил байрамини республика қишлоқ хўжалик министри А. А. Уркунбоев очади. СССР ва Ўзбекистон ССР гимнлари янграйди. Колхоз ва совхозларнинг энг яхши вакиллари — 1976 йилги социалистик мусобақа ғолиблари байрам байроғини кўтарадилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Сирдарё районидаги Ленин номли колхоз раиси Н. Йўлдошева ва «Ташсельмаш» заводининг токари Ю. И. Степаненко сўзга чиқиб, ғалабага нақадар машаққатли шароитларда эришилганлиги тўғрисида гапирадилар. Улар Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларнинг куч-ғайратлари туфайли «оқ олтин»дан мўл ҳосил олинганлигини таъкидлаб ўтишди. Нотиклар республика экономикаси ва маданиятини ривожлантириш тўғрисида қилинаётган тинимсиз ғамхўрлик учун жонажон Коммунистик партиялга, Совет ҳукуматига ва шахсан Леонид Ильич Брежневга самимий миннатдорчилик изҳор этдилар.

Парад бошланади. Чиройли қилиб безатилган автомашиналар минбарлар олдидан ўтади. Уларга ўрнатилган панно ва транспарантлар қишлоқ хўжалик меҳнатчиларининг меҳнатдаги зафарларини, уларнинг партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш йўлидаги курашини тасвирлайди.

Томошабинлар «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштирган миришкорларни, ғаллакорларни, боғбонларни, донгдор механизаторларни, энг яхши чорвадорларни, меҳнатда янги ғалабаларга эришиб, Ватанни қувонтирган кишиларни қарсаклар билан табриклайдилар. Терим қаҳрамонлари, республика ишчилар синфи, олимлар шарафига — серқуёш Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга кўмаклашаётган барча кишилар шарафига табрик хитоблари янграйди.

Республика физкультурачилари, ДОСААФ спортчиларининг паради ҳам жозибали бўлди. Республиканинг кўпгина колхоз ва совхозлари байрамга ўзларининг энг яхши чавандозларини юборадилар. Ипподром майдонида от спорти мусобақалари, қиз қувиш, сурнапах, улоқ синғари халқ ўйинлари ўтказилди. Республиканинг энг яхши чавандозлари Ҳосил байрами — Ўзбекистон йилқичилик заводлари совринларини олиш учун беллашдилар.

Байрамни очиш маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, М. М. Мусаҳонов, А. А. Ҳўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, М. Т. Турсунов ҳозир бўлдилар.

Ҳосил байрами бугун ҳам давом этади. Республиканинг шаҳар ва қишлоқларида халқ сайиллари ўтказилади, санъат усталари қишлоқ меҳнатчиларига концерт қўйиб беради.

(ЎзТАГ).

Тошкент область, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози аъзолари ҳосилдорликда республикадаги илғор хўжаликлардан саналади. Улар Ҳосил байрамини ҳар гектар ердан қарийб 50 центнердан «оқ олтин» етиштириш билан кутиб олдилар. Айни пайтда келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратмоқдалар. Пахта йиғим-теримида жасорат кўрсатган механизаторлар шу кунларда экин майдонларини шудгорлашга қизғин киришдилар. Суратда: колхоз инженери Ҳусан Ғойибов механизаторлардан Шукур Тожибоев ва Жўра Жамолов билан иш сифатини кўздан кечирмоқда.

О. Қозоқбоев фотоси.

ЕР ҲАЙДАСАНГ КУЗ ҲАЙДА...

Пойтахт областидаги Урта Чирчиқ райони пахтакорлари съездлар йилида Ватан хирмонига 47362 тонна «оқ олтин» тўкиб, социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Ҳар гектар ердан 30,5 центнердан ҳосил етиштирилди.

Район заршуносларн келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратиш мақсадида экин майдонларини ўғитлаб, кузги шудгорни бошлаб юбордилар. Охунбобоев номли, «Северчий маяк», Куйбишев номли, «Партия XXII съезди», В. Терешкова номли хўжаликларда шудгорлаш қизғин. Кечагина «зангори кема»лар пахта терган пайпаллларда полвон тракторлар наъра тортиб ишлаяпти.

В. Терешкова номли колхозидан И. Ҳасанов, Э. Шоҳиров, «Партия XXII съезди» колхозидан И. Ҳикматов, М. Аҳмедов наби тракторчилар ўзларининг пўлат йўрғаларида кунига 150 гектар ўрнига 200-230 гектардан ерни сифатли шудгор қиляптилар.

Д. ХУЖАЕВА.

АМУДАРЁ СОҲИЛИДАГИ ШАҲАР ЮБИЛЕЙИ

ТУРТКУЛ, 4 декабрь. (ЎзТАГ). Қорақалпоғистоннинг экономика ва маданият марказларидан бири бўлган Тўрткўл ташкил этилганлигининг 100 йиллиги нишонланди. Шаҳар жамоатчилиги вакилларининг тантанали йиғилиши ана шу воқеага бағишланди. Йиғилишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов очди. Ўзбекистон Компартияси Тўрткўл район комитетининг биринчи секретари Қ. Нурумбетов доклад қилди. У шаҳарнинг революцион ва меҳнат анъаналарини таърифлаб, ўнинчи беш йиллик планини бажариш учун курашда янгидан-янги муваффақиятларга эришилаётганлиги ҳақида гапириб берди.

ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЯНГИ КОРХОНАЛАРИ

БИНОКОРЛАР ИБРАТИ

Шаҳрисабздаги пиллакашлик фабрикаси ўзининг биринчи маҳсулотини истеъмолчиларга жўнатди. Бу янги корхона бинокорларининг социалистик мажбуриятида белгиланганидан бир ярим ой олдин қуриб битказилди.

Пилла пахта сингари қадрли ва ардоқли. Мана шунинг учун ҳам бу муҳим объектга катта эътибор билан қаралди. Фабрика қурилишида бир вақтнинг ўзида 30 дан зиёд бинокорлик ва монтаж ташкилотлари иш олиб борди. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг 13-трести бош пудратчи бўлди. Енгил саноат қурилишларида Бутуниттифоқ комплекс мусобақасини ўтказиш ташаббуси билан чиқиш СССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг «Союзмонтажлегмаш» трести коллективи ёрдамчи пудратчи вазифасини ўтади.

Қурилишнинг дастлабки кунларидаёқ Салимтой Алеев бошлиқ бригаданинг таклифига кўра, объектда турдош коллективларнинг мусобақаси кенг қизитиб юборилди. Меҳнат ҳамкорлиги ҳақидаги шартнома бетончилар, гишт терувчилар, монтажчилар учун қонунга айланди. Турли коллективларнинг аниқ, бир маромда иш олиб боришлари, тиғиз графикка амал қилишлари ишнинг юксак суръатда олиб борилишини таъминлади. Натижада асбоб-ускуналарни монтаж қилиш тўқиз ойда тугалланди. Созлаш ишлари муддатидан бир ярим ой илгари бошлаб юборилди.

Бинокорлар асбоб-ускуналарни монтаж қилишда энг илғор тажрибаларни қўллаш, меҳнатни комплекс ҳўжалик ҳисоби асосида ташкил қилиш ва ишчиларнинг юксак маҳорати туфайли ана шундай муваффақиятларга эришдилар.

ҚУЛЛУҚ, ПАХТАКОРИМ

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

Бир йиллик чўнг меҳнат топди-ку эҳ,
Ҳар нечук орқада қолди-ку заҳмат.
Хирмон тепасида ястанмоқ учун
Етдик шу кунларга ғолиб, саломат.

Буюк онлада тенг, камарбаста,
Дўстликдан бахт топган ўзбек халқимиз.
Бахт билан оҳангдош бизнинг шу пахта,
Оппоқ толасидек ойдин бахтимиз.

Бошн кўкда юрар бу фурсат ҳар ким,
Тағин забт бўлди деб улуғ бир марра.
Минг бора ташаккур сенга, эй, халқим,
Қуллуқ, пахтакорим, миллионлаб карра!

Хирмонинг — устивор сўзингга кўзгу,
Шараф сатрин сенга қанча ёзсак кам.
Эл юкин кўтарган Момохолдир бу,
Тўлан бу, бу — толмас талаба укам.

Кема деганлари бир замон танҳо
Сузиб юрар эди сувлар қаърида.
Не ажаб, бугун у фалакмас, ҳатто
Чарх урар ўзбекнинг пахтазорида

Манглайда қийқча, лаб узра енгил,
Ошно шамоллардан ҳарирдай ғубор.
Ойқиз-у Саодат — суворий сингил,
Сиздек ғолибларга ташаккур минг бор.

Сочдаги оқ тола йиллар чангимас,
Пахтазор қўйнидан қўнгандир бошга.
Тилармен, чекилган заҳмат ҳар нафас
Эгасин шарафин элтсин қуёшга.

Бугун бошланмаган ахир бу йўллар,
Пахтадир элимнинг бардавом ризқи.
Халқим юрагида неча минг йиллар
Парзарлиг топган шу пахтанинг ишқи.

Хирмон тепасида танти-ялангтўш,
Э, ғолиб полвоним, э, бободеҳқон,
Сенинг ҳимматингдан аҳли олам хуш,
Сенга таъзим қилса арзигай жаҳон.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

ОКТЯБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ ЖАНГОВАР ИШ ПРОГРАММАМИЗ

ТОШКЕНТ

3 декабрь куни Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлди. Область партия комитетининг КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленуми қарорларидан ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов доклад қилди.

Докладчи, шунингдек В. И. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси А. Девятова, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг раиси Ю. Тўлаганов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар пойтахт областининг меҳнаткашлари партия XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини бажаришда катта муваффақиятларга эришганликларини таъкидладилар. Область саноати ўн бир ойлик планини муддатидан илгари бажарди, пландан ташқари 140 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинди. Тошкент областининг пахтакорлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини республикада биринчи бўлиб бажардилар, ҳар гектар ердан 32,4 центнердан пахта йиғиштириб олдилар, ҳосилнинг 77 процента машиналар билан терилди. Дон, каноп, пилла, сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева ва узум етиштириш юзасидан олинган мажбуриятлар ошириб адо этилди. Чорвачилик фермаларининг ходимлари ҳам топшириқларни муваффақиятли бажармоқдалар.

Нотиқлар бажарилган ишларни атрофлича таҳлил қилиб, область меҳнаткашлари социалистик мусобақада қўлга киритилаётган муваффақиятларни кўпайтиришга қатъий бел боғлаганликлари ҳақида гапирдилар. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини янада кўпроқ ошириш экономикани ривожлантириш учун сарфланадиган ҳар бир сўмнинг самарасини кўпайтириш имкониятлари бир қанча мисоллар асосида кўрсатиб берилди. Гўзанинг янги серҳосил навларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этиш, ўғитдан рационал фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, беш йилликнинг иккинчи йили мўл ҳосили учун мустаҳкам замин яратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларни тўла-тўкис маъқулладилар.

НАМАНГАН

Наманган область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларни, шунингдек Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IV пленуми қарорларини бажариш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди.

Докладчи — область партия комитетининг биринчи секретари М. К. Камолов, музокараларда сўзга чиққан Учқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари А. Ҳ. Ҳасанов, «Гулбоғ» совхозининг директори Л. А. Муҳаммаджонов, Наманган қурилиш бошқармасининг бригада бошлиғи М. Исматов ҳамда бошқа нотиқлар область меҳнаткашлари астойдил меҳнат қилиб, ўнинчи беш йиллик топшириқлари бажарилишига эришаётганликларини таъкидлаб ўтдилар. Область саноат корхоналари йил бошидан буён планга қўшимча равишда 37 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарди ва реализация қилди. Область деҳқонлари Ватанга тўрт юз минг тоннадан кўпроқ пахта етказиб бердилар. Ғалла, сабзавот, гўшт, бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш планлари анча ортиғи билан бажарилди.

Сўзга чиққан нотиқлар ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилини муваффақиятли якунлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва бутун иш сифатини янада ошириш учун барча резервлардан тўлароқ фойдаланиш зарурлигини қайд этиб ўтдилар.

Наманган меҳнаткашлари навбатдаги беш йилликда бунёдкорлик ишларининг улкан программасини амалга оширишлари кераклиги таъкидлаб ўтилди. Ишлаб турган қувватларни қайта қуриш учун сарфланадиган маблағлар 41 процент кўпаяди. Беш йилликнинг охирига келиб йилига тайёрланадиган пахта ҳажмини 500 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун, деб таъкидлашди нотиқлар область меҳнаткашлари астойдил меҳнат қилиб, ўнинчи беш йиллик топшириқлари бажарилишига эришаётганликларини таъкидлаб ўтдилар. Область саноат корхоналари йил бошидан буён планга қўшимча равишда 37 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарди ва реализация қилди. Область деҳқонлари Ватанга тўрт юз минг тоннадан кўпроқ пахта етказиб бердилар. Ғалла, сабзавот, гўшт, бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш планлари анча ортиғи билан бажарилди.

Сўзга чиққан нотиқлар ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилини муваффақиятли якунлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва бутун иш сифатини янада ошириш учун барча резервлардан тўлароқ фойдаланиш зарурлигини қайд этиб ўтдилар.

Наманган меҳнаткашлари навбатдаги беш йилликда бунёдкорлик ишларининг улкан программасини амалга оширишлари кераклиги таъкидлаб ўтилди. Ишлаб турган қувватларни қайта қуриш учун сарфланадиган маблағлар 41 процент кўпаяди. Беш йилликнинг охирига келиб йилига тайёрланадиган пахта ҳажмини 500 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун, деб таъкидлашди нотиқлар область меҳнаткашлари астойдил меҳнат қилиб, ўнинчи беш йиллик топшириқлари бажарилишига эришаётганликларини таъкидлаб ўтдилар. Саноат маҳсулотининг кўпгина турларини ишлаб чиқариш юзасидан ўн бир ойлик топшириқ муддатидан олдин бажаришди. Автомобил республика деҳқонлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан рўёбга чиқариб, Ватанга 370 минг тоннадан кўпроқ пахта, 161 минг тонна шоли топширдилар.

Нотиқлар бажарилган ишларни атрофлича таҳлил қилиб, мавжуд резервлар ва имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарурлигига эътиборни жалб этдилар. Улар Қорақалпоғистон меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликда халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантириш юзасидан масъулиятли вазифаларни бажаришлари лозимлиги ҳақида гапирдилар. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун партиявий-ташкилий ва идеология ишларининг савиясини янада баланд кўтариш, социалистик мусобақани кенг авж олдириш, илғор коллективларнинг тажрибасини барча меҳнатчиларнинг мулки қилиш лозим.

Пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларини тўла-тўкис маъқуллаб, улкан вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайдиган амалий тадбирларни белгиладилар.

Пленумда автоном республика Госплани раиси Д. Жумабоевнинг 1976—1980 йилларда Қорақалпоғистон АССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат бешйиллик плани тўғрисидаги ва халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги давлат плани ҳақидаги доклади, Қорақалпоғистон АССР молия министри Ж. Муятдиновнинг автоном республиканинг 1977 йилги давлат бюджети ва 1975 йилги давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги доклади тингланди.

НУКУС

Қорақалпоғистон область партия комитетининг бу ерда бўлиб ўтган пленумида область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида баён қилинган қоидалар ва хулосаларни бажариш соҳасида область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Докладчи, шунингдек «Олтинқўл» совхозининг директори М. Утепбергенов, Чапаев номли совхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони У. Бекниёзов, Мўйноқ балиқ-консерваси комбинатининг ишчиси Д. Қолмурзаева ва бошқа нотиқлар автоном республика меҳнатчилари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилини яхши кўрсаткичлар билан якунлаётганликларини таъкидлаб ўтдилар. Саноат маҳсулотининг кўпгина турларини ишлаб чиқариш юзасидан ўн бир ойлик топшириқ муддатидан олдин бажаришди. Автоном республика деҳқонлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан рўёбга чиқариб, Ватанга давлат плани ҳақидаги доклади, Қорақалпоғистон АССР молия министри Ж. Муятдиновнинг автоном республиканинг 1977 йилги давлат бюджети ва 1975 йилги давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги доклади тингланди.

САМАРҚАНД

Самарқанд область партия комитети пленумида КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленумининг қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқидаги қоидалар ва хулосаларни бажариш соҳасида область партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди. Область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов доклад қилди.

Пленумда 1976 — 1980 йилларда область халқ хўжалигини ривожлантириш плани, область халқ хўжалигининг 1977 йилги плани ва маҳаллий бюджети лойиҳалари ҳам қараб чиқилди.

КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорлари, дейишди нотиқлар, Самарқанд области меҳнаткашларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан ўн бир ойлик планини муддатидан барвақт бажардилар. Область колхоз ва совхозлари зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ошириб бажариб, Ватанга 540 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» топширдилар.

Самарқанд шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ш. Файзиев, Пастдарғом район партия комитетининг биринчи секретари Т. Насриддинов, Пахтачи районидаги Самарқанд колхозининг раиси Х. Шарипова ва бошқа нотиқлар область меҳнатчилари ўнинчи беш йиллик топшириқларини шараф билан бажаришга қатъий қарор берганликлари тўғрисида гапирдилар. Нотиқлар қўлга киритилган муваффақиятлар тўғрисида гапира туриб, ишлаб чиқаришнинг барча резервларидан тўла фойдаланиб, илғор коллективларнинг тажрибаси кенг ёйилган тақдирда яна ҳам каттароқ муваффақиятларга эришиш мумкинлигини кўрсатиб ўтдилар. Пленумда халқ хўжалигига партиявий раҳбарликни янада кучайтириш, бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятларини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга катта эътибор берилди.

Пленум қабул қилган қарорида КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорларини тўла-тўкис маъқуллаб, уларни амал этиш ва сўзсиз бажариш учун қабул қилди.

(ЎзТАГ).

КУБА ОЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНИ АНЖУМАНИДА

ГАВАНА, 3 декабрь. (ТАСС). Куба халқи 2 декабрь куни ўз тарихида ажойиб санани — Фидель Кастро бошчилигидаги революционерлар отрядининг «Гранма» яхтасида соҳилга тушганлигининг 20 йиллиги ва революцион қуролли кучларнинг 20 йиллигини нишонлаб ўтди. Ўша куни мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органи — Халқ ҳокимияти Миллий ассамблеясининг биринчи сессияси ўз ишини бошлади.

Пойтахтдаги Карл Маркс номли театрда қариб 500 депутат тўпланди. Улар Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, революцион ҳукумат бош министри Фидель Кастрони, партия ва ҳукуматнинг бошқа раҳбарларини гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Делегатлар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, область комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов бошчилигидаги СССР Олий Совети делегациясини, СССР Қуролли кучлари бош штабининг бошлиғи — мудофаа министрининг биринчи ўринбосари армия генерали В. Г. Куликов бошчилигидаги совет ҳарбий делегациясини, чет мамлакатларнинг бошқа делегацияларини қизғин табрикладилар.

Депутатлар ватан ва революцияга, ишчилар синфи ва бутун халқ ишига доим содиқ бўлиш тўғрисида тантанали қасамёд қилдилар. Улар Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет секретариатининг аъзоси Блас Рокани Миллий ассамблея раиси қилиб якдиллик билан сайладилар.

Сессияда гулдурос қарсаклар билан кутиб олинган Ўртоқ Фидель Кастро нутқ сўзлади. Социализмнинг табиати, кишилик жамиятининг ривожланишини бошқарадиган қонунларнинг табиати, деди у, қуллик, эксплуатация, ирқий камситиш ва адолатсизликнинг барча шакллари устидан узил-кесил ғалаба сари олиб бормоқда.

Ф. Кастро Кубада давлат ва партия қурилишининг энг муҳим масалаларига тўхталиб ўтди. Миллий ассамблеянинг биринчи сессияси иш бошлаганидан буён Куба социалистик давлати ўзининг тугал шаклига кирмоқда, деб таъкидлади у. Давлат ҳокимиятимизнинг шакли социализм йўлидан боратган бошқа халқлар тўплаган тажрибани, шунингдек ўз практикамизни ҳисобга олади. Биз марксизм-ленинизмнинг асосий принципларини ўзимизнинг конкрет шароитларимизга тадбиқ этмоқдамиз.

Бизнинг революцион жараёнимиз аввал бошданоқ халқ революцион жараёни бўлган эди, деди Ф. Кастро, революциянинг ўзи халқнинг биринчи мустақил қарори бўлган эди. Революция қилишга бизни ташқаридан ҳеч ким мажбур этгани йўқ. Революция империалистик ҳукмронликка ва агрессияга қарши қаҳрамонона курашда вужудга келди ва мустаҳкамланди. Революцион ғояларимиз — жаҳон революцион дунёқарашининг таркибий қисмидир. Ватанимизнинг озодлиги, тараққиёти ва тинчлик бутун башариятнинг озодлиги, тараққиёти ва тинчлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Сўнгра нотиқ капитализм жуда катта хавф туғдираётганлигини кўрсатиб ўтди. Жаҳондаги барча тараққийпарвар кучларга раҳнамолик қилаётган Совет Иттифоқининг қудрати, ресурслари ва обрў-эътибори, унинг донишмандлик ва ғайрат-ташаббус билан ҳамда собитқадамлик билан олиб бораётган тинчлик сиёсатигина, капитализмнинг ҳамон тинчликка солаётган хавф-хатарини тўхтатиб қолишга қодир бўлди, деб таъкидлади у.

Ф. Кастро шундан кейин капиталистик дунёни қамраб олаётган жиддий иқтисодий тангликнинг ривожланаётган мамлакатлар учун салбий оқибатлари билан боғлиқ бўлган масалаларга тўхталиб ўтди.

Шундан кейин у Куба Компартиясининг бундан бир йил муқаддам бўлиб ўтган I съезди қарорлари интенсив равишда олиб борилаётган партиявий ва давлат ишлари натижасида муваффақиятли амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Ф. Кастро Халқ ҳокимияти Миллий ассамблеяси олдида турган мақсадлар ва вазифаларни таърифлаб, провардида бундай деди: Революцион ҳукумат ўзи бугунги кунгача ишро этиб келган ҳокимиятни Миллий ассамблеяга топширади. Министрлар кенгаши Ватанимиз ҳаётидаги ғоят чуқур ва туб сиёсий ҳамда социал ўзгартишлар билан ўтган деярли ўн саккиз йиллик давр мобайнида ўзи бажариб келган конституцион ва қонуний вазифаларни ассамблея ихтиёрига беради.

Халқ ҳокимияти Миллий ассамблеяси биринчи сессиясининг эрталабки мажлисида Куба Республикасининг Давлат Кенгаши сайланди. Ассамблея депутатлари Куба Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Ўртоқ Фидель Кастро Русия бир овоздан Давлат Кенгашининг раиси қилиб, Ўртоқ Рауль Кастрони раисининг биринчи ўринбосари қилиб сайладилар.

Хуан Альмейда, Рамиро Вальдес, Гильермо Гарсиа, Блас Рока, Карлос Рафаэль Родригес ўртоқлар Давлат Кенгаши раисининг ўринбосарлигига сайландилар.

Селия Санчес хоним Давлат Кенгашининг секретари қилиб сайланди. Давлат Кенгаши составида жами 31 киши бор.

Сессия ўз ишини давом эттирмоқда.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

⊙ БЕРЛИН. Бу ерда бир қанча социалистик мамлакатлар мактаблари жамиятшунослик фани ўқитувчиларининг кенгаши тугади. ГДР, Болгария, Венгрия, Вьетнам, Монголия, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакиядан келган ўқитувчилар жамиятшунослик фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш, ёш авлодни социалистик ватанпарварлик ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш масалалари юзасидан уч кун давомида самарали фикрлашиб олдилар.

ПЛАНЕТАМИЗДА



Совет «Прогресс» нашриёти томонидан В. И. Ленин танланган асарлари ўн икки томлигининг испан тилида нашр этилиши Куба меҳнаткашларида катта қизиқиш уйғотди. Суратда: Гаванадаги Обиспа кўчасига жойлашган китоб магазинида.

Н. Чигирь фотоси (ТАСС).

НЕФТЬ—ЭНЕРГЕТИКАНИНГ НЕГИЗИ

ДЕҲЛИ, 3 декбрь. (ТАСС мухбири). Миллий энергетика базасини ҳар томонлама ривожлантириш — ҳозирги кунда Ҳиндистон олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Бунда мамлакатнинг нефть ва химия саноатини ривожлантиришга ғоят катта аҳамият берилмоқда.

Миллий нефть саноатини юксалтиришда, қидириш-разведка ишларининг асосий йўналишларини аниқлашда совет мутахассислари Ҳиндистонга катта ёрдам бериб келдилар ва ёрдам бермоқдалар. Совет ва ҳинд экспертларининг Дехрадундаги нефть илмий-тадқиқот институти базасида ўтказган биргаликдаги ишларининг яқинда эълон қилинган маълумотлари Ҳиндистонда нефть-газ запаслари 12,75 миллиард тоннани, бундан нефть қарийб 6,2 миллиард тоннани ташкил этишни кўрсатди.

Ҳинд ва совет мутахассисларининг бу тадқиқоти Ҳиндистон учун алоҳида аҳамият касб этади. Бу тадқиқот, деб таъкидлади нефть ва табиий газ давлат комиссиясининг раиси Н. Б. Прасад ТАСС мухбири билан суҳбатда, нефть қазиб олиш соҳасидаги ишларнинг узоқ муддатли планларини белгилаш имконини беради. Маълумки, ҳозирги вақтда Ҳиндистонда бир йилда 8,35 миллион тонна хом нефть қазиб чиқарилмоқда. Бу эса мамлакатнинг нефтга бўлган талаб-эҳтиёжини атиги учдан бир қисминигина қондиради.

Нефть соҳасида Ҳиндистон—Совет ҳамкорлиги, табиийки, биргаликда қидирув ишларини ўтказиш билангина чекланмайди. Бу соҳадаги ҳамкорлик Ҳиндистонга Совет Иттифоқидан машина-ускуналарни етказиб беришни ҳам, кредитлар беришни ҳам, миллий саноат учун СССРда юзлаб юқори малакали ҳинд мутахассисларини тайёрлашни ҳам ўз ичига олади.

Г. ШМЕЛЕВ.

ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

Актив тинчлик сиёсати

Жаҳон жамоатчилиги Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашида яқинда қабул қилинган ҳужжатларни зўр эътибор билан ўрганмоқда. Бу ҳужжатлар орасида «Ҳалқаро кескинликни юмшатишда янги марралар учун, Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш учун» деган декларация алоҳида ўрин олиб турибди. Сиёсий обзорларнинг шарҳларида социалистик мамлакатлар халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик учун курашда яна бир конкрет қадам қўйганлиги таъкидланмоқда.

Бундан ўн йил муқаддам улар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш учун Европа давлатларининг кенгашини чақириш ташаббуси билан майдонга чиққан эдилар. Бу ташаббус бултур Хельсинкида Якунловчи актни тантанали равишда имзолаш билан якунланди, бу ҳужжат қитъамизда тинчлик ва ҳамкорлик даври бошланганлигидан дарак берди.

Янги декларацияда социалистик мамлакатлар ҳозирги замоннинг энг актуал проблемасини ҳал этишга — қуролланиш пойгасини тўхтатишга, қуролсизланишни, аввало ядро қуролини тарк этишни амалга оширишга, жаҳон уруши хавфини тугатишга олиб бориши лозим бўлган бундан бўёнги тадбирларни таклиф қиладилар. Хельсинки кенгашида қатнашган ҳамма давлатларга мурожаат қилиниб, бир-бирларига қарши биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик мажбуриятини оладиган шартнома тузиш таклиф қилинганлиги — шу тадбирларнинг энг муҳимидир.

Кенгаш қатнашчилари Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти тарқатиб юборилиши билан айни бир вақтда Варшава Шартномаси ташкилотини ҳам тарқатиб юборишга ўзларининг тайёр эканликларини таъкидладилар. Бундан ташқари улар бошқа давлатларни мавжуд тор доирадаги гуруҳлар ва ҳарбий-сиёсий иттифоқларни кенгайтиришга ёки янгиларини вужудга келтиришга олиб бориши мумкин бўлган ҳаракатларни қилмасликка чақирдилар.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг изчил тинчликсевар сиёсатининг тарафдорлари кун сайин кўпайиб бормоқда. Бироқ тинчлик душманлари оз деб ўйлаш ва улар кучсиз деб ҳисоблаш нотўғри бўлур эди. Социалистик мамлакатларнинг янги таклифларини бузиб кўрсатишга уринадиган кишилар ҳозир ҳам топилади. Кескинликни юмшатиш жараёнига тўсқинлик қилишга уринаётган реакция, милитаризм ва реваншизм кучлари халқаро вазиятни ишончсизлик ва даҳшат заҳари билан оғулашчи ҳоҳлайдилар. Аммо Совет Иттифоқини агрессив давлат деб кўрсатиш йўлидаги уринишлар барбод бўлмоқда.

Сиёсий маслаҳат комитети Бухарест кенгашининг таклифлари Европада хавфсизликни реал равишда мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантиришгагина олиб бормасдан, шу билан бирга тинчликнинг ача шу душманларини яккалаб қўйишга ҳам олиб боради. Тараққийпарвар жаҳон жамоатчилиги кенгаш якунларини маъқулламоқда ва Бухарестда қабул қилинган қарорлар ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деган ишончни изҳор этмоқда.

Буюк зафарлар йўлида

Куба халқи 2 декабрь кунининг ўзида иккита шонли воқеани нишонлаганлигининг чуқур рамзий моҳияти бор, Озодлик ороли халқи Революцион қуролли кучлар вужудга келган кунининг 20 йиллигини байрам қилди ва социалистик Куба давлатчилигини такомиллаштиришнинг якунловчи босқичига қадам қўйди. Худди шу куни халқ ҳокимияти миллий ассамблеясининг биринчи сессияси очилди.

Бундан йигирма йил муқаддам Фидель Кастро бошчилигидаги ватанпарварларнинг кичик бир группаси «Гранма» деб аталган чоғроқ моторли яхтага тушиб, Мексиканинг Тукспан портидан очиқ денгизга чиқди. Улар довуллар оша Куба соҳилларига етиб келишди. Шу тариқа улар диктатор Батистага ёлланган газандаларга қарши кеча-кундуз ўт ичида оғир жанг қилдилар.

«Гранма» яхтасидан Куба соҳилига тушилган кун Революцион қуролли кучларнинг туғилган куни сифатида нишонланадиган бўлиб қолди.

Куба диёрига қўзғолончи армия сафларидаги қаҳрамонларнинг қутлуғ қони кўплаб тўкилган. Ғалабанинг машақкатли йўлини очган, ажалларга чап бериб, оловлардан ўтиб, музаффар революция байроғини баланд кўтарган довюракларни Куба халқи ҳеч қачон унутмайди. Фидель ва Рауль Кастролар, Камило Сьенфуэгос, Эрнесто Че Гевара ва бошқа қаҳрамонларнинг номларини ҳамма қитъалардаги миллион-миллион кишилар, янги Кубанинг ҳамма дўстлари яхши биладилар. Ана шу азаматлар бошқа ватанпарварларнинг кичик группаси билан бирга Сьерра—Маэстро тоғида Революцион қуролли кучларнинг тимсоли бўлган қўзғолончи армияни вужудга келтирдилар.

Революцион қуролли кучларнинг қудратини реакционерлар, империалистлар неча марта синаб кўришди, масалан, 1961 йил апрелида Плайя—Хиронда шундай бўлди. Ўша пайтда тиш-тирноғигача қуролланган яхши ўргатилган интервенциячилар атиги 72 соат ичида батамом тор-мор этилди. Ўша йилнинг ўрталаридан бошлаб қўзғолончи армияни мунтазам қисмлар ва қўшилмаларга айлантириш бошланди, бу воқеа халқ ғалабаларининг мустаҳкам қалқони — Революцион қуролли кучларни вужудга келтириш жараёнининг янги босқичи бўлиб қолди.

Айни вақтда мамлакат социалистик қурилишига раҳбарлик қилишнинг янги формаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга киришди. Кубада халқ ҳокимиятининг янги органларини шакллантириш жараёни бошланди. Республиканинг иқтисодий ва ҳарбий қудрати, Куба халқининг революцион онги тез ўсиб борди. Ниҳоят, 1976 йилнинг 2 декабри шу шонли йўлдаги энг муҳим босқичларнинг бири бўлиб колиши шубҳасиз. Шу куни халқ ҳокимияти, миллий ассамблеясининг 481 депутати давлат ҳокимиятининг раҳбар органларини сайлаш, социалистик Куба келажакдаги ривожининг бош йўналишларини белгилаб берадиган қарорлар қабул қилиш учун ўзининг биринчи сессиясига тўпланди.

...Мўъжазгина «Гранма» ҳозирги эркин ва бахтиёр Куба учун кураш қаҳрамонларидан хотира сифатида Гаванадаги ёдгорлик комплекси баланд супасига абадий ўрнатиб қўйилди. Куба халқининг бутун кундалик бунёдкорлик фаолияти сингари халқ ҳокимияти миллий ассамблеясининг биринчи сессияси ҳам озодлик, демократия ва социализмнинг ўлмас ғоялари рўёбга чиқаралаётганлигининг далилидир.

«Кичик Европа» биносидаги туйнуклар

Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлган мамлакатларнинг ўтган ҳафта ичида Гаагада бўлиб ўтган кенгаши жаҳон матбуотининг эътиборини ўзига тортди: «Умумий бозорнинг олий органи — Европа ушмалари кенгашининг мажлиси ўтказилди. Бу кенгашга Ғарбий Европадаги тўққиз мамлакатнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари киради.

Кенгаш арафасида кўпдан-кўп тахминлар айтилди. Кенгаш ёпилгандан кейин эса Италиядаги «Унита» газетасининг тахмини тўғри бўлиб чиқди. Бу газета олий даражадаги Гаага учрашуви ҳеч қандай натижа бермайди, деб ёзган эди.

«Умумий бозор» мамлакатларининг молиявий-иқтисодий аҳволига келганда, унинг статистика маҳкамалари учрашув қатнашчиларини яхши янгиликлар билан хурсанд қила олмади. Ҳамжамият пулнинг қадрсизланишига қарши қаттиқ кўл сиёсат ўтказишига қарамай, нарх-наво тинимсиз кўтарилиб бормоқда.

Ўтган йил ноябридан бу йил ноябригача нарх-наво Италияда 20 процент, Англияда 15 процент, Францияда 10 процент ошди. Ишсизлар 5 миллион нафардан ошиб, даҳшатли белгидан ўтиб кетди. Узоқ давом этган мунозараларга қарамай, тўққиз давлат раҳбарлари Ғарбий Европа экономикасидаги ишларнинг аҳволини ўзгартирга оладиган бирон-бир янги тадбир тўғрисида келиша олмадилар.

Европа иқтисодий ҳамжамиятининг ташқи иқтисодий позициялари ҳам ёмонлашди. Ҳамжамиятнинг жаҳон капитализмининг бошқа марказлари билан савдо-иқтисодий рақобати кескинлашди. Жумладан, япон экспортчиларининг қаттиқ қисуви натижасида «Умумий бозор» мамлакатларининг Япония билан савдо-сотиқдаги камолати йил охирига бориб 4,2 миллиард долларга етади. Шу хусуда Европа иқтисодий ҳамжамияти мамлакатлари махсус баёнот эълон қилиб, ташвишланаётганликларини билдирдилар ва Японияни «савдо урушини»нг ана шу янги тўлқинини пасайтириш учун шошилинч чоралар кўришга чақирдилар.

Ғарбий Европадаги тўққиз мамлакатнинг раҳбарлари капиталистик мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги Париж музокаралари кириб қолган боши берк кўчадан қандай қилиб чиқиб олиш устида ҳам узоқ бош қотирдилар. «Шимол—жануб мулоқоти» деб аталган ана шу музокаралар давомида ёш мустақил давлатларнинг халқаро иқтисодий муносабатларни тенг ҳуқуқли асосда қайта қуриш тўғрисидаги қонуний талаблари ғарбнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Шу тариқа бу музокаралар ҳеч қандай конкрет натижа бермади, деб ёзган эди.

Гаагадаги кенгаш тугади. «Кичик Европа» биносидаги туйнуклар очиқлигича қолаверди.

Л. ЛАТИШЕВ,
С. СТОКЛИЦКИЙ,
В. ХОРХОРДИН.
(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИНИНГ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОСИ В. В. ПОСЛАВСКИЙГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ирригация соҳасидаги фан ва практикага жуда катта ҳисса қўшганлиги учун ҳамда туғилган кунига саксон йил тўлиши муносабати билан В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Виктор Васильевич **Поставскийга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин ордени** ҳамда **«Ўроқ ва Болға»** олтин медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси.
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1976 йил 3 декабрь.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«МУХБИР»—«КОРРЕСПОНДЕНТ»

Журналнинг ноябрь сони босмадан чиқди. У «Газетада партия турмуши бўлими» бош мақоласи билан очилади. КПСС XXV съездининг делегати Е. Грязеванинг журнал мухбири саволларига жавоби «Ишчилар ташаббуси сарчашмаларида» деб номланган. «Беш йиллик ва матбуот» рубрикаси остида бир қатор мақолалар эълон қилинган. Журналда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғафуржонов ижодкор ёшлар билан ишлаш проблемаларига доир мақола билан чиққан. «Комсомолец Узбекистана» газетасининг 50 йиллиги муносабати билан журналда материаллар подборкаси эълон қилинган. «Матбуот обзори» рубрикаси остида газетанинг йиғим-терим палласидаги фаолиятига доир мақола берилган. Шунингдек, «Район матбуоти», «Репортаж таъсирчан жанр», «Ишчи-деҳқон мухбирлари билан суҳбат» рубрикалари остида бир қатор мақолалар, республика журналистлар союзи маҳаллий ташкилотларидан олинган хабарлар, Байкал—Амур магистрали қурилишига бағишланган фоторепортаж ва бошқа суратлар, ўртоқлик ҳазиллари журнал саҳифаларидан ўрин олган.

ШУДГОР ҚАНДАЙ БОРЯПТИ?

Республика областларида кузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида шу йил 4 декабрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — ҳайдалган майдон (минг гектар ҳисобида); учинчи устун — топшириқнинг бажарилиш процанти.

Тошкент	239,5	97,4
Андижон	162,2	84,1
Наманган	99,5	67,7
Хоразм	12,9	64,6
Жиззах	101,2	64,5
ҚҚ АССР	33,9	48,4
Самарқанд	96,4	44,2
Сирдарё	69,9	39,7
Фарғона	54,2	36,6
Бухоро	43,2	21,8
Қашқадарё	43,9	21,2
Сурхондарё	21,7	14,3
Республика бўйича:	978,5	50,6

СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯ ТАНТАНАСИ

СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯМИЗНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ БИЗ, АВВАЛО, ЖАМИЯТНИНГ ҲАММА ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШДА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ТОБОРА КЕНГ ҚАТНАШУВИНИ ОҒИШМАЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕБ ТУШУНАМИЗ, ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗНИНГ ДЕМОКРАТИК АСОСЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРАВЕРИШ ДЕБ, ИНСОН ШАХСИНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА РАВНАҚ ТОПИШИ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИБ БЕРИШ ДЕБ ТУШУНАМИЗ. ПАРТИЯ ШУ ЙЎЛДА ИШЛАБ КЕЛДИ ВА БУНДАН БУЁН ҲАМ ШУ ЙЎЛДА ИШЛАЙВЕРАДИ.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

Фарғона тўқимачилик комбинати республикамиз тўқимачилик саноатининг тўнғич корхоналаридан. Бу ерда қирқдан ортиқ миллат фарзандлари бир оила аъзоларидек аҳиллик билан меҳнат қилмоқдалар. Корхона коллективи ойлик ва йиллик топшириқларни доимо ортиғи билан адо этмоқда. Улар ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилида планга қўшимча 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга сўз беришган. Суратда: корхонанинг Нелла Бодрина бошлиқ пешқадам бригадаси аъзолари.

Г. Бойко фотоси (ЎзТАГ).

ЧИНАКАМ ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ

Совет халқи СССР Конституцияси кунини КПСС XXV съезди тарихий қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленуми қарорлари ва бу Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев нутқи муносабати билан меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик юз берган бир шароитда кутиб олмоқда. Совет кишилари съезд қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумида сўзлаган нутқини жанговар ҳаракат программаси сифатида қабул қилдилар. Бу программани амалга ошириш коммунистик жамият қуриш йўлида янги қадам бўлади.

Мамлакатимизда ривожланган социалистик жамият қурилганлиги натижасида совет халқи улуғвор муваффақиятларга эришмоқда. Бу муваффақиятлар мамлакатимизни саноат, фан, маданият соҳасида энг ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқди. Социалистик жамият қурилиши, мамлакатимизда социалистик ижтимоий муносабатларнинг қарор топганлиги Асосий Қонун — СССР Конституциясида қонунлаштирилди.

Совет социалистик республикалари Иттифоқининг Конституцияси 1936 йил 5 декабрда ССР Иттифоқи Советларининг фавқулодда VIII съездида тасдиқланган. 5 декабрь Ер шарининг олтидан бир қисмида социализм ғалаба қозонганлигини ифодаловчи сана сифатида мамлакатимиз тарихига абадий ёзиб қўйилди. Бу йил мамлакатимиз халқлари СССР Конституцияси амал қила бошлаганлигининг қирқ йиллигини нишонламоқдалар.

Асосий Қонунда совет халқи социалистик қурилиш йилларида эришган ғалабалар мустаҳкамланди. СССР Конституцияси программадан фарқли ўлароқ бажариш зарур бўлган вазифаларни эгаллаш лозим бўлган марраларни белгиламайди, балки мамлакатимизда социалистик жамият қурилганлиги тўғрисидаги жаҳоншумул тарихий фактни қонун йўли билан мустаҳкамлайди. Маълумки, ҳар қандай конституциянинг моҳияти пировард натижада иқтисодий базис ва жамиятнинг синфий структураси билан белгиланади.

Барча буржуазия конституциялари капитализмнинг асослари бўлган ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларига шахсий мулкчиликни, буржуазиянинг иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлигини, меҳнаткаш кўпчиликнинг эксплуатация қилиниши ва ҳуқуқсизлигини ифодалайди ва мустаҳкамлайди.

СССР Конституцияси буржуазия конституциясидан фарқли ўлароқ мамлакатимизда социализм ғалабаси фактига асосланади. Социализм принципларини ва асослари унинг негизини ташкил этади. СССР Конституциясининг биринчи моддаси «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ишчи ва деҳқонларнинг социалистик давлатидир» деб эълон қилади. Учинчи модда бутун ҳокимиятни меҳнаткашлар ва улар томонидан сайланган Советлар қўлида мустаҳкамлаб, «СССРда бутун ҳокимият шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларини ўз ичига олган депутатлар Советлари тизими орқали амалга оширилади» деб белгилаб қўйган. Мамлакатимиз меҳнаткашлари барча муваффақиятларининг энг муҳим омили — совет жамиятида Коммунистик партиянинг раҳбарлик ролидир. СССР Конституциясининг 126-моддаси меҳнаткашлар манфаатларини кўзлаб, партиянинг раҳбарлик ролини мустаҳкамлаган. Асосий қонунда мамлакатимизда давлат тузилишининг барча масалалари, давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий органлари фаолиятининг формалари батафсил баён қилинган. Бу органларнинг ташкил этиш тартиби, уларнинг структураси ва вазифаси шу тарзда ташкил этиладики, уларда меҳнаткашлар иродасини амалга ошириш таъминланади, Жумладан, СССР Конституциясида жаҳонда энг демократик сайлов системаси мустаҳкамлангандир.

Меҳнаткашлар депутатлари Советларига сайловлар умумий, тенг ва тўппа-тўғри яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Совет тузумининг демократизми олий ва маҳаллий ҳокимият органлари социал составида ўз ифодасини топмоқда. Масалан, 1974 йилда тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советига сайланган депутатлар орасида ишчилар 32,8 процентни, колхозчилар 17,9 процентни, ишчилар ва колхозчилар жами 50,7 процентни ташкил этади. Депутатларнинг 72,2 проценти КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар ,27,8 проценти партиясизлар, 31,3 проценти хотин-қизлардир.

АҚШ конгрессида эса депутатларнинг 83 процентини банк эгалари, бизнесменлар, адвокатлар, 16 процентини врачлар, инженерлар, журналистлар ва фақат 3 процентини ўзларини шартли равишда меҳнаткаш синф қаторига қўйиши мумкин бўлган касаба союз вакиллари ташкил этади. Конгресс аъзоларининг 99 проценти Америка жамияти олий социал гуруҳларига мансубдир. Қора танли американликлар АҚШ аҳолисининг 18 процентини ташкил этади, конгресс аъзолари орасида эса фақат 4 процентдир.

Пролетар интернационализми, СССР халқларининг бузилмас дўстлиги Совет Конституциясининг муҳим принципидир. Мамлакатимиздаги кўп халқлар Совет Иттифоқи доирасида ўз миллий давлатига, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятини ривожлантириш имкониятига эга бўлдилар. Ўтмишда ривожланишдан орқада қолган кўп миллатлар аввало улуғ рус халқининг биродарларча ўзаро ёрдами туфайли тарихан қисқа вақт ичида халқ хўжалигини, фан ва маданиятни ривожлантиришда улкан муваффақиятларга эришдилар. Ўзбекистон ССР ленинча миллий сиёсатни амалга оширишнинг ёрқин намунаси бўла олади. Республикамиз қисқа давр ичида саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданиятни ривожлантиришда улкан ғалабаларга эришди; социалистик қурилиш йилларида Ўзбекистон юксак даражада ривожланган социалистик республикага айланди ва социализмнинг шарқдаги машъали бўлиб қолди. Осиё ва Африкадаги ривожланаётган мамлакатларнинг халқлари социалистик жамият қуриш йўлига ўтиб олиб, қандай натижаларга эришиш мумкинлигини Ўзбекистон мисолида яққол кўриб турибдилар.

Совет Конституциясининг характерли белгиси унинг чинакам социалистик демократизмидир. Бу демократизм энг аввало шунда ифодаланадики, СССР Конституцияси гражданларга сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида кенг ҳуқуқлар беради. Бу ҳуқуқлар барча гражданларга тенг асосда берилади. Мамлакатимизнинг асосий қонунида гражданларнинг меҳнат қилиш, дам олиш, қариганда, шунингдек, касал бўлганда ва меҳнат қобилиятини йўқотганда моддий таъминланиш, билим олиш ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган. Шуниси характерликки, барча совет гражданларининг ҳуқуқи миллати ва ирқидан қатъий назар, тенгдир. СССРда хотин-қизлар эркаклар билан баравар ҳуқуққа эгадирлар. Гражданларга сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги, мажлислар ва митинглар ўтказиш эркинлиги, намойиш эркинлиги, жамоат ташкилотларига бирлашиш ҳуқуқи, виждон эркинлиги берилгандир. Совет Конституцияси гражданларнинг шахсий даҳлсизлигини, уй-жойларининг даҳлсизлигини ва ёзишмаларининг сир сақланишини гарантиялайди. Буржуазия давлатининг бирорта конституцияси ҳам гражданларга бу қадар кенг ҳуқуқ ва эркинликларни хатто расмий жиҳатдан ҳам бера олмайди. Капиталистик мамлакатларда миллионлаб кишилар меҳнат қилиш имкониятидан маҳрум бўлган, ишсизлик капиталнинг доимий йўлдошига айланган бир пайтда капитал мамлакатларида меҳнат қилиш ҳуқуқи тўғрисида гап бўлиши мумкинми? АҚШнинг ўзидагина ҳозир 10 миллионга яқин киши ишсиздир.

Совет Конституциясининг ўзига хос хусусияти шундаки, у гражданларнинг ҳуқуқларини расмий жиҳатдан қайд этибгина қолмай, бу ҳуқуқларни амалга оширишни таъмин этишга жиддий эътибор беради. Бунинг устига янги муваффақиятлар қўлга киритилиши ва давлатимизда янги имкониятлар вужудга келиши туфайли ижтимоий-сиёсий ҳуқуқнинг ҳажми тобора кенгайтирилмоқда.

Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ўсиб боргани сайин уларнинг тобора ортиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун янги-янги имкониятлар вужудга келмоқда. Ўтган беш йилликда мамлакатимизда даромадлар аҳоли жон бошига деярли тўртдан бир баравар кўпайди. 1975 йилда оиланинг ҳар бир аъзоси ҳисобига 100 сўм ва ундан кўпроқ даромад олаётган аҳоли сони 1965 йилдагига нисбатан 8,5 баравар кўпайди. Сўнгги йилларда пенсиялар ва нафакалар, студентларнинг стипендиялари миқдори оширилди, мамлакатимизда умумий ўрта таълим жорий этилди, меҳнат отпускалари вақти кўпайтирилди. Меҳнаткашларнинг дам олиш имкониятлари кенгайтирилди.

Ўнинчи беш йилликда совет кишилари олдида улуғвор истиқбол очилмоқда. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ўртача ойига 170 сўмга, колхозчиларга тўланадиган меҳнат ҳақи 116 сўмга етказилади. Аёллар учун бола 1 ёшга тўлгунга қадар қисман ҳақ тўланадиган отпуск жорий этилади, пенсияларнинг минимал миқдори оширилади, колхозчиларнинг пенсия таъминотида қўшимча имтиёзлар берилади.

Совет гражданларининг кенг демократик ҳуқуқлари билан бирга уларнинг жамият олдидаги бурчлари ҳам Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган Конституцияга риоя қилиш, қонунларни бажариш, меҳнат интизомини сақлаш, жамоат бурчига виждон билан қараш, социалистик турмуш қоидаларини ҳурмат қилиш, жамоат мулкини, социалистик мулкни сақлаш ва мустаҳкамлаш, СССР Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизмат қилиш ва Ватанни ҳимоя қилиш СССР ҳар бир гражданининг муқаддас бурчидир. Интизомга қатъий риоя қилиш, жамиятда қабул қилинган ва жамиятнинг барча аъзолари манфаатларига мос тушадиган турмуш қоидаларига амал қилиш социалистик демократиянинг зарур шартларидандир. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида қилган докладида «...биз инсон шахсини, гражданлик ҳуқуқларини бутун чоралар билан ривожлантириш ғамини ейиш билан бирга жамоат интизомини мустаҳкамлаш проблемаларига, барча гражданларнинг жамият олдидаги ўз бурчларига риоя қилишларига лозим бўлган даражада диққат-эътибор бермоқдамиз. Чунки интизом ва мустаҳкам жамоат тартиби бўлмаса, демократияни амалга ошириб бўлмайди» деган эди.

СССР Конституцияси асосий қонундир. Бутун совет қонунчилигининг юридик негизидир. Конституцияга асосан ҳаётнинг турли соҳаларида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи бир қанча кодекслар ва қонунлар қабул қилинди. Шунинг учун ҳам Совет Конституцияси мамлакатда социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашнинг негизидир.

Мамлакатда қонунчиликни мустаҳкамлашда суд ва прокуратура органлари катта роль ўйнамоқда. Уларнинг ташкил этилиши ва вазифалари СССР Конституциясида белгилаб қўйилган. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида совет қонунларини, совет жамиятининг манфаатларини, совет гражданларининг ҳуқуқларини қўриқлаб турган милиция ва прокуратура, суд, юстиция органлари фаолиятининг аҳамиятини таъкидлаб, улар ўз ишларини «...халқ ва давлат манфаатларини кўзлаб, меҳнаткашлар кенг оммасининг мададига таяниб, Конституция нормаларига, социалистик қонунларга қаттиқ риоя қилиш асосида бажармоқдалар. Уларнинг кучи аввало мана шундадир. Улар зиммасига юкланган вазифани муваффақиятли амалга оширилишининг асосий гарови мана шундадир» деб таъкидлаган эди.

Бу йил Конституция кунини нишонлаш шонли воқеага тўғри келди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, республиканинг барча меҳнаткашлари партия ва халққа берган сўзларининг устидан чиқиб, она-Ватанга 5 миллион 300 минг тонна пахта топширдилар. Давлатга дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари сотиш мажбуриятлари ҳам муваффақиятли адо этилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев республика меҳнаткашларини катта меҳнат ғалабаси билан табриклаб, 5 миллион 300 минг тонна пахтани йиғиштириб олиб давлатга сотиш КПСС XXV съезди қарорларини ва КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми ўртага қўйган вазифаларни амалга ошириш ишига қўшилган катта ҳиссадир, деб таъкидлади. Бу юксак баҳодан руҳланган Ўзбекистон меҳнаткашлари саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданиятни ривожлантиришда янги муваффақиятларга эришиш ва бу билан мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш ишига ўз ҳиссаларини қўшишга қатъий қарор қилганлар.

А. АЪЗАМХЎЖАЕВ,
Узбекистон ССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, профессор.

БАХТИМ БОРКИ...

Республикамиз ҳокимиятининг юқори органи — Олий Советга сайловлар куни эди. Кексаю ёш танишбилишларим келиб: «Мана Маъмура, сен учун овоз бериб келдик. Обрўйинг бундан ҳам баланд бўлсин! Ишончимизни меҳнат билан оқлайбер», — деб табриклашди. Миннатдорчилик билдириб, раҳмат айтаману, ичимда севимли шоиримиз Ғафур Ғуломнинг:

«Меҳнатдир тупроқдан
бизни кўтариб,
Азиз бошимизни қилолган
баланд», —

деган сатрларини такрорладим.

Октябрь инқилоби самараларини қонунлаштирган СССР Конституцияси биз, аёлларга эркаклар билан тенг ҳуқуқда меҳнат қилиш имтиёзини ҳам берди. Бирлашмамизда аёллар коллектив муваффақияти учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Мендай оддий меҳнаткаш хотин-қизларга беками кўст бахт ато этган давримизга, тузумимизга, партиямизга минг ташаккур!

М. ПЎЛАТОВА,
Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси.

ХУМОР ЖАМОЛИ

Бугун бахт-иқбол байрами. Ана шундай шодиёна кунда ҳурликда эришган улкан муваффақиятларимиз ҳақида сўзлаш нақадар завқли!

Озод меҳнатимиз туфайли бизга бойлик келмоқда, турмушимиз чиройли бўлмоқда. Хўжалигимизда йигирмага яқин майда, тарқоқ қишлоқлар борлиги турмуш маданиятини юксалтиришга жиддий тўсқинлик қиларди. Биз бунга чек қўйиш мақсадида бош план асосида шаҳар типидаги учта посёлка вужудга келтиришга қарор қилдик. Ҳозир колхоз марказида икки қаватли коттеджлардан ва бошқа шинам бинолардан иборат замонавий Хумор посёлкасини қуриш тугалланмоқда. Бу ердаги барча қулайликларга эга бўлган уй-жойлар, 1000 ўқувчига мўлжалланган ўрта мактаб, маданият саройи, савдо маркази, колхоз правлениесининг маъмурий биносини кўрган киши кўли гул қурувчиларимизга таҳсинлар айтишади.

Шу йилнинг 20 декабригача планда белгиланган 500 минг сўмлик иш тўла-тўкис бажариладi, қўшимча равишда 20 минг сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилади. Бизлар бунёд этган маданият саройидан, шинам уй-жойлардан, болалар боғчасидан бир умрга шодлик аримайди.

Эргаш САЪДИНОВ,
ғишт терувчи.
Соня ҲИКМАТОВА,
бўёқчилар бригадасининг бошлиғи,
Самарқанд область Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхози.

УЛКАН ҒАМХЎРЛИК

Коммунистик партия ва Совет давлати инсон ҳақида ғамхўрлик қилишни ўзининг олий бурчи деб билади. Меҳнат аҳлига Улуғ Октябрь, Коммунистик партия берган эрк, бахт-саодат асосий қомусимиз — СССР Конституциясида қайд этиб, мустаҳкамлаб қўйилган. Ундаги меҳнаткашлар қаригэнда, меҳнат қобилиятини йўқотганда моддий таъминланиш ҳуқуқига эгадирлар, деган сўзлар қандай амал қилаётгани, халқ фаровонлигини оширишда нақадар муҳим роль ўйнаётгани ҳақида тўхталмоқчиман.

Ватан уруши ва меҳнат инвалидларига, бошқа турдаги пенсионерларга, ногирон ва ожизларга, кўп болали ҳамда ёлғиз оналарга, қарияларга Коммунистик партия ва Совет ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги шу қадар улуғворки, бу — инсонпарварликнинг олий намунасидир.

КПСС XXV съезди ишлаб чиққан социал тараққиёт ва халқ турмуш даражасини ошириш программасида ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларга тўланадиган қарилик пенсияларининг минимал миқдорини янада ошириш кўзда тутилган.

Шу нарса диққатга сазоворки, I-группа инвалид колхозчиларга тўланадиган пенсияларга устама нафақа қўшиб бериш, болалик чоғиданоқ инвалид бўлиб қолганларга бериладиган нафақа миқдорини кўпайтириш ва бу нафақаларни боланинг ёшига қарамасдан тўлаб бериш, колхозда ишлаган, кейинчалик давлат корхоналарида ва ташкилотларида ишлаётган собиқ колхозчиларнинг меҳнат стажларини белгилашда колхозда ишлаган вақтини ҳам қўшиб ҳисоблаш кўзда тутилмоқда.

Ўтган қисқа вақт ичида уруш инвалидлари ва боқувчисини йўқотган ҳарбий хизматчилар оилаларидан 20 киши янги квартираларга кўчиб кирди. 62 кишининг турар жойи ремонт қилиб берилди. 12 киши уй қуриб олиши учун ер участкаси олди. 175 кишига қурилиш материалларидан ёрдам кўрсатилди. Якка тартибда уй қурувчиларга эса 10 минг сўм ссуда берилди. Инвалидлардан 24 киши бепул путёвка олиб, санаторий-курортларда ҳамда дам олиш уйида даволаниб, дам олиб қайтдилар. 58 кишига давлат ҳисобидан «Запорожец» ва мотоколяска берилди. Шунингдек, 20 киши ўз пулига «Москвич» енгил машинаси сотиб олди.

1-2-группа инвалидларидан 213 кишини завод-фабрика, колхоз, совхозлар оталиққа олган. Кейинги олти ой ичида инвалидларга 10 минг 250 сўм оталиқ ёрдами кўрсатилди. Бу ишда «Андижон», «Коммуна» колхозлари, «Маданият» совхози, пахта тозалаш заводи ва матлубот жамиятининг иши ибратлидир. Бундан ташқари колхозчиларнинг умумий мажлисининг қарорига асосан инвалидлар ва боқувчисини йўқотган оилалардан сув ва электр ҳақи олиш бекор қилинган.

Районимизда ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликларга жавобан завод-фабрика, қурилиш ташкилотларида, колхоз, совхозларда яратувчилик ишида фидокорлик қилаётган Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва урушда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари кўплаб топилади. Улар ишлаб чиқаришда, кенг пахтазорда жавлон урио, меҳнат қилишмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, пахтадан мўлкўл ҳосил яратишда ибратли иш қилишмоқда. Шунинг учун ҳам уларнинг кўкрагини жанговар орден ва медаллар билан бирга, шавкатли меҳнат нишонлари ҳам безатиб турибди.

Исомитдин Арабов Улуғ Ватан урушида қаттиқ ярадор бўлиб қайтган, ногирон бўлишига қарамай ўз ўрнини пахтазордан топди. 30 йилдирки у пахтадан мўл ҳосил етиштиришда салмоқли ҳисса қўшиб келаётир. Исомитдин ака ҳозирги вақтда «Маданият» совхозида пахтачилик бригадасига бошчилик қилмоқда. Пахтачиликдаги шуҳрати республикага таралган ўртоқ Арабовнинг меҳнат ғалабалари партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланди. Унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган.

Районда истиқомат қилаётган пенсионерлар, инвалидлар, кўп ва ёлғиз болалик онахонлар ва боқувчисини йўқотган кишиларга ғамхўрлик қилиш ҳар томонлама кучайтирилган. Район социал таъминоти бўлими ана шундай ота-оналардан 1094 кишига ҳар ойда 33 минг 300 сўм пенсия ва нафақа тўлаб келаётир.

Районимизда 3260 дан ортиқроқ кўп ва ёлғиз болалик оналар яшайди. Уларга ҳар кварталда 90 минг 345 сўм нафақа тўланмоқда. Бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш отпускалари учун ярим йилда 736 аёлга 95 минг 181 сўм берилди.

Колхоз тузиш ва уни мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатган меҳнат ветеранлари ҳар томонлама эъзозланяпти! Уларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг чегараси кенгаймоқда. 475 дан ортиқ ота-оналарга колхозлар фойдидан шахсий пенсия тўланмоқда. Меҳнат ветеранларига ўтган олти ой мобайнида 15 минг 351 сўм ёрдам пули берилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев «Бугун қандай яшаётганлигимиз ва эртага қандай яшашимиз — бизнинг ўзимизга, меҳнатимиз борасидаги ютуқларимизга боғлиқдир» — деб таъкидлаган эди. Бу қаҳ-қаҳ. Районимиз меҳнатчиларининг фидокорона меҳнати туфайли зиммага олинган мажбуриятлар ортиғи билан бажарилмоқда. Бойлигимизга бойлик қўшилмоқда.

Районимиз колхозлари 1975 хўжалик йилида 34 миллион сўмга яқин даромад олишди. Шундан бир миллион 309 минг сўми пенсионерлар ҳаётидаги учун ҳаражат қилинди. 1976 йилда эса бу сумма икки миллион сўмга етади. Кўриниб турибдики, фидокорона меҳнат эвазига турмушимиз тобора фаровонлашиб бормоқда. Деҳқонларимиз бадавлат яшамоқда.

Кейинги йилларда колхоз қишлоқларининг қиёфаси бекиёс даражада ўзгариб кетди. Янги-янги маданиятли, турар жой биноларидан қад кўтарди. Кўплаб меҳнаткашлар шинам ва кўркам уйларга кўчиб ўтишди, қишлоқ пенсионерларининг турмуш даражаси ҳам ҳавас қилса арзигулик. Меҳнат ветеранлари, инвалидларининг фароғатда яшашлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Улар социал таъминот имтиёзларидан тўла баҳраманд бўлаётирлар.

Район партия ва совет ташкилотлари партия ҳукуматимизнинг кишилар ҳақида кўрсатаётган ғамхўрлигига жавобан пенсия ҳамда нафақа тўлаш ишини янада яхшилайдилар, партиямиз XXV съезди белгилаб берган вазифаларни шараф билан бажариш учун барча имкониятларни ишга соладилар.

М. ДАВРОНОВ,
Меҳнаткашлар депутатлари Пахтаобод район Совети ижроия комитетининг раиси.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Болалар — бизнинг келажагимиз. Партия ва ҳукуматимиз мактабгача тарбия муассасалари тармоғини янада кенгайтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ҳозирги вақтда республикамизда 5200 дан ортиқ мактабгача тарбия муассасаси ишлаб турибди. Уларда меҳнаткашларнинг 562070 дан ортиқ болалари тарбияланмоқда.

● Барча мактабгача тарбия муассасаларидан 3090 дан эзеди қишлоқларда жойлашган. Уларда 224710 дан ортиқ болалар тарбияланмоқда. 1968 йилга қадар республикамиз колхозларида фақат мавсумий болалар муассасалари бўлиб, йил давомида ишлайдиган бирорта ҳам боғча йўқ эди. Эндиликда эса колхозларда 1670 дан ортиқ доимий ишлайдиган болалар боғчаси бор. Уларда колхозчиларнинг 118370 боласи камол топяпти.

● Саккизинчи беш йиллик мобайнида колхозларда 20 минг ўринли болалар боғчаси қурилган бўлса, тўққизинчи беш йилликда республика колхозлари маблағи ҳисобига 110 минг ўринли боғча ва ясли бинолари барпо этилди.

● Республика колхозларида шу йилнинг ўзидагина мактабгача болалар муассасаларидан 135 таси қуриладi. Ўнинчи беш йилликда эса ҳаммаси бўлиб 240 минг болага мўлжалланган боғча ва ясли оилолари қад кўтаради.

● Республикамиздаги 7300 дан ортиқ мактабда уч ярим миллиондан зиёд ўқувчи замонавий билимларни чуқур эгаллаб бормоқда.

● Ҳозирги вақтда республикамизда 42 та олий ўқув юрти, 187 та ўрта махсус ўқув юрти ишлаб турибди. Урта Осиё медицина-педнатрия, Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар, Тошкент маданият институтлари, шунингдек, 23 та техникум ва билим юрти тўққизинчи беш йиллик мобайнида ташкил этилди.

● Узбекистон Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларида 124,5 минг йигит ва қиз билим оляпти. Урта махсус ўқув юртларида эса 185,2 минг талаба таҳсил кўрмоқда. 29 та олий ўқув юртида тайёрлов бўлимлари ишлаб турибди.



Тошкент Халқ хўжалиги институтида минглаб студентлар таълим олмоқда. Бугунги кунда олий ўқув юртининг саккиз факультетида билим олаётган талабалар 12 мингга етди. Институт ўзининг ҳисоблаш марказига эга. Суратда: катта ўқитувчи В. П. Трушникова тўртинчи курс студентларига лекция ўқимоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ЮРАКДАН ХУРСАНДМАН

Илгарилари хонадонда янги фарзанд дунёга келса ота-она ўйниниб, дунёга яна битта шўрпешона келди, деб хафа бўларди дейишарди. Бу —бўлган гап албатта. Худди ана шундай мазмундаги ҳикояларни мен қариялардан кўп эшитганман.

Бизнинг толеимиз чарақлагани шуки, замонамиз, тузумимиз бутунлай бошқа. Партия ва ҳукуматимизнинг болажонлигини, ёш авлодга меҳрибонлигини айтиб адо қилолмайман. Мана менинг ўзим 12 фарзанднинг онасиман. Болаларим яйраб-яшнаб ўсишди. Камол топишяпти. Катта қизим Мадина мактабда эътиборли педагог. Ундан кейинги қизим Ҳанифахон эса мактаб директори. Ҳафиза исмли қизим ТошДУ студентласи, яна бир қизим Ҳакима ҳам техникум талабаси, Шомил исмли ўғлим Совет Армияси сафида хизмат қиляпти. Бошқа фарзандларим ҳам мактабларда, ҳунар мактабида таҳсил кўришяпти.

Шу йил март ойида почтальон уйимизга хушхабар келтирди. Мактуб менинг номимга ёзилган бўлиб, «Ҳурматли қаҳрамон она Малика Салохова, Сизга «Жигули» автомашинаси ажратилди, олиб кетинг» деган мазмундаги сўзлар битилган эди. Бутун оиламиз билан қувондик. Оналарга кўрсатилаётган иззат-иқром шунчалар юксак бўлганидан бошим кўкка етди.

Болаларимнинг бахти-саодатини, ўзимга кўрсатилаётган ҳурмат ва эҳтиромларни юрак-ўрагимдан ҳис этиб, партия ва ҳукуматимизга чин дилимдан қайта-қайта раҳматлар айтаман.

М. САЛОҲОВА,
Фарғона областидаги «Қувасой» совхози ишчиси, қаҳрамон она.

ҲОСИЛ БАЙРАМИ ШОДИЁНАЛАРИ

ДЕҲҚОНГА ТАЪЗИМ

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДАН РЕПОРТАЖ

Ҳорманг энди, пахтакор-деҳқон! Лафзи ҳалол, каттакон давраларда ўрни борим, қатордаги норим, пахтакорим! Бугун сизни қучмоқ истаймиз, қадоқ қўлларингизни ўпмоқ истаймиз! Қўлимиз кўксимизда, таъзим қиламиз Сизга, зафар муборак, меҳнат жабҳаларида пахтапарварлар!

Сиз юксак юлдуз чаманларига интилиб, пахтазорларда эгатларга шода-шода юлдузлар тиздингиз, юксак чўққиларга интилиб, пахтадан юлдузўпар чўққилар бунёд этдингиз. Унинг шуъласидан бутун куррамиз мунаввар, олам боғлари мунаввар бугун! Йўқ, йўқ, бу — кўҳна жаҳон боғларига заркамар бўлиб турибди гўё. Санъатингизга, маҳоратингизга офарин демоқда. Эҳсонларингиз, орзу-тилакларингиз каби чексиз инъомларингиз қаршисида лол қолади олам. Меҳнат жабҳаларида бутун вужудингиздан симобдай қалқиб чиққан марварид терингизнинг ҳар бир томчиси далаларга ҳусн берди. Ёноқлару қайноқ қалбингиздан мевалар ранг олди, болга тўлди. Сиз қадаган барака уруғи дон бўлиб омборларга шалоладек оқди. Сиз бунёд этган қумуш толалар дастгоҳларда минг турфа жило бериб, эгнимизни безади. Қисқаси, сиз бунёд этган ноз-неъматларни санаб саноғига етолмаймиз!

Ҳаёт саҳифангизга қувончли хуш айёмлар, зафарбахш онлар кўп битилган, битилажак. Бугунги субҳидамнинг завқу шавқи ҳам, дилларда уйғотган таровати ҳам нақадар ўзгача! Шаҳар кўчаларида одамлар тўлқинидан ўтиб борамиз. Тошкент отчопари майдонига ошиқамиз. Сўзи бугдой нонидай ширин, юзлари бугдой донасидай лов-лов ёнаётган, қалбларига Сир ва Аму жўшқин Зарафшон нафасини кўчирган одамлар чеҳрасида дилхушлик, ҳаётдан завқланиш туйғулари намоён. Қалбларда қаяҳон, шодлик ва бахт туғён қилади. Бунинг боиси нимада ўзи? Бугун ҳосил байрами. Бу сизнинг байрамингиз, музаффар деҳқон! Каттакон майдон улкан тўйхонага ўхшайди. Ҳар қадамда қаҳқаҳа, ҳар гўшада тўй тантанаси. Базм авжида, карнаю сурнай наволари авжида. Ёру кўкда куй янграйди. Куй, янграқ қўшиқлар дарё тўлқинидек мавжланади. Ширинқўл ошпаз қозонга дам товоқ ташлаб, фарғоналик йигит кабобини елпийди. Хоразмлик деҳқон хушбўй қовунларни тортиқ қилади одамларга. Шоир шеър ўқийди, созанда мадҳ этади. Тўйбоши ҳам, бу ердаги ноз-неъматларнинг муаллифлари ҳам пахтакор деҳқоннинг ўзи.

Ҳа, Ҳосил байрами нақадар нашъали! Туйғуларга бой хуш айём бу!

Бу фарахбахш кунларга осонликча эришилгани йўқ, албатта. Меҳнатнинг таги роҳат, изтироб кетида қувонч, ташвиш кетида бахт кулади. Бу йилги мураккаб келган об-ҳаво шароити сира-сира эсдан чиқмайди. Қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтиш, бардош бериш, сабот ва матонат билан иш кўриш фақат пахтакор деҳқоннинг иродасига хос буюк фазилат! Бу йил улар жуда катта синовларни мардонавор енгиб ўтишди. Яхши ният зафар келтиради. Ахир интилганга толе ёр, деганлари шу эмасмикан?! Шонли партиямиз XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини амалга ошириш, жонажон Ватанга аъло сифатли пахта, дон, мева, чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш, юртни янада маъмур қилиш йўлида не-не қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди. Ҳар бир ниҳолни пахтакор деҳқон кафтида тутиб, фарзандим деб ардоқлади, экинларини ардоқлаб, кунни тонгга улади. Ҳар бир ниҳолни кўз қорачиғидек асради, парвариш қилди, камол тоштирди. Экинлар ҳосил берди, катта хирмонлар уйилди. Она-Ватанга 5 миллион 330 минг тонна Ўзбекистон «оқ олтин»и армуғон этилди. Бу 1975 йилга қараганда 287 минг тонна кўп. Ҳосилнинг 80 процентдан кўпроғи биринчи сортларга топширилди. Республикамиз бўйича ҳар гектар майдондан йиғиб олинган пахта ҳосили 30 центнерданга тўғри келди. Бу жаҳон пахтачилиги тарихида рекорд кўрсаткич эмасми, ахир? Шундай! Юксак хирмон учун курашда механизация деҳқонларга қанот бўлди. Машиналар бункеридан биринчи марта 2 миллион 900 минг тонна пахта тўкилди. Етиштирилган «оқ олтин»ни машиналар билан теришда рекорд кўрсаткичларга эришган донгдор механизаторларнинг ҳиссаси каттадир. Тўрткўл районидаги «Намуна» колхозидан Ҳакимбой Йўлдошев, Избоскандаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозидан Валижон Қорабоев, Дўстлик районидаги Ленин номли совхозидан Тўлан Дадажонов, Чиноз районидаги Киров номли колхозидан Турсуной Охунова сингари механизаторларнинг ҳар бири мавсумда ўз машиналари бункерларидан 300-500 тонна ва ундан ошириб дур тўкишди. Байрам тантаналарида уларнинг номларини яна бир бор фахр билан тилга олаётганлигимизнинг боиси шундадир.

Ғаллакорларнинг армуғони ҳам чакки эмас. Бу йил улар 1 миллион 25 минг тонналик дон хирмони уйидилар. Бу 1976 йил учун белгиланган умумий харид ҳажмидан 400 минг тонна кўпдир. Қабул қилинган мажбуриятдан 395 минг тонна кўп дон топширилди. Бу йил республикамизда шоличиликни ривожлантиришга жуда катта эътибор берилди. Шолининг ўртача ҳосилдорлиги гектар бошига 50 центнерга етказилди. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Тошкент областлари шолиқор хўжаликлари гектар бошига 60 центнердан ва ундан ҳам ошириб шоли янчиб олишди.

Маъмурчилик дастурхонини безашда республикамиз боғбонлари, сабзаводчилари, полизчи ва соҳибкорлари ҳам яхши меҳнат қилдилар. Бу соҳалар бўйича ҳам белгиланган марралар эгалланди. Бу йил республикамизда мева, сабзавот етиштириш биринчи марта 4 миллион тоннага етяпти! Кумуш тола ишкодкорлари она Ватанга 27 минг тонна хом ашё етказиб беришди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича белгиланган план ва социалистик мажбуриятлар ҳам ошириб бажарилди. Бу — пахтачиликни, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришдаги муваффақиятлар КПСС XXV съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия аграр сиёсати масалалари юзасидан берган йўл-йўриқлари амалга татбиқ этилаётганлигининг натижасидир. Бу қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг партия ишлаб чиққан комплекс программаси амалга оширилаётганлигининг самарасидир. Бу пахтакор деҳқоннинг партия ва ҳукуматимиз қарорларига амалий жавобларидир.

Пахтакор-деҳқон! Бугун қўёш ҳам, юлдузлар ҳам, одамлар ҳам таъзимда Сизга! Ернинг томирини ушлаб, тупроқ билан киссагўйлик қилган, ер тарихидан йил 12 ой ҳикоя сўзлаган, ер донишманди сиз эмасми ахир?! Жаҳонда буюклар ва алломолар кўп ўтган, ўтади. Ер илмининг биринчи академиги, биринчи муаллими ҳам деҳқон! Деҳқон яратган пахта хирмонлари — ноз-неъмат булоқлари — дўстлик рамзи. Пахтакорлик эса сиз та қадимдан бобо касбдир. Бугунги кунда пахтакорнинг бутун оғиру енгилини мамлакат кўтаради. Ғўзанинг илдизи — деҳқон, пояси — қардошлик, шохлари —ҳамкорлик, ҳосили — дўстлик уруғи! Буни мамлакатимизда чуқур илдиз отган Ўрок ва Болға иттифоқининг ҳамкорлиги дейдилар. Шундай! Деҳқон — ер наққоши, ер донишманди, ер шифокори, ер илмининг академиги! Деҳқон тақдирида ер тақдири, ер тақдирида — эл тақдири мужассам! Бугунги деҳқон фақат ўзи учун ишламайди, фақат ўзини демайди, у кўпни ўйлайди, миллионлар тақдирини ўйлайди. Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун меҳнат қилишининг, ноз-неъмат яратишининг ҳам боиси шундан эмасмикан?!

Тошкент отчопарида шу ҳукуматимиз қарорларига туйғулар қалбларда туғён қиларди. Соат 11 да фанфаралар овози янграйди. Ҳосил байрами бошланди. Байрам шарафига қизил байроқлар кўтарилади. Минбарга республика партия-ҳукумати раҳбарлари чиқадилар. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри ўртоқ А. Уркунбоев қисқача кириш нутқи сўзлаб, ҳосил байрамини очади.

Байрам тантаналари бошланиб кетди. Бирин-кетин республикамиз областлари ва Қорақалпоғистон АССРдан келган қишлоқ хўжалик илғорлари колонна-колонна бўлиб ўтишади.

Одатда бундай хуш айёмларни, туй-тантаналарни спорт мусобақалари, чавандозларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳосил байрамига Тошкент шаҳри физкультурачилари муносиб совғалар тайёрлашган. Мана, улар ўз маҳоратларини намойиш қилиб ўтадилар. Республика ДОСААФ спортчилари мусобақалари ҳам кўнгилларга тўлқин солади. Чавандозларнинг довюракликларини айтмайсизми? Ўзбекистон ССР ДОСААФ спортчилари катта программа тайёрлашибди. Ҳар бир чавандоз турли кўргазмалар билан майдонга чиқади, ўз санъатларини намойиш қиладилар. СССР ва республика байроқлари ҳамда 5 миллион 330 минг рақамлари ёзилган паннолар ўрнатилган учта ЯК-12 самолёти бирдан кўкка парвоз қилади. Қора кўзлар нигоҳи ана шу самолётларда. Ҳаво лочинлари 50 метр баландликда саф тортиб, мағрур парвоз қилишади.

Голибларга қимматбаҳо совринлар берилади.

Шундан сўнг ҳавода парашютчилик санъатини пухта эгаллаган лочинлар пайдо бўлади. 1200-2400 метр баландликдан туриб кўргазмали сакраш қилган парашютчилар тўйхонага тўпланганларнинг диққат-эътиборини ўзларига тортишади. Кўкда муаллақ туриб турли машқларни бажарган бу парашютчилар катта маҳорат эгаси эканликларини кўрсатишди. Белгиланган жойга аниқ қўниш, группа бўлиб ҳавода ҳар хил фигура ва машқлар кўрсатиш спортчидан катта маҳорат талаб қилади. Улар шундай қилишди.

Саман отларда фигурали юриш бўйича бошланган мусобақалар ҳам яхши самаралар берди. Тушдан кейин бу ерда 500 метр масофага оломон пойга бошланди. Турли зотдаги отлар майдонда ўқдай учарди. Бунда голибларга саккизта соврин берилди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг соврини учун ўтказилган уч ёшли ва ундан катта ёшдаги қорабайир отларда 1800 метр масофага пойга ҳам зўр қизиқиш билан томоша қилинди.

«Қиз қувмоқ» — от спортининг қадимги турларидан бири. Ҳар бир ҳосил байрамида бу ўйин зўр қизиқиш билан қарши олинади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. «Сурпаноқ» халқ спорти ўйинларида Самарқанд ва Сурхондарё областлари терма командалари актив иштирок этдилар. Жиззах областидаги Навоий номли колхоз соврини учун 1600 метр масофага катта пойга ўтказилди. Пойгада икки шер қорабайир отларни йиғитлар зўр маҳорат билан бошқариб улоқни олиб кетишди.

Кўпкари — улоқ халқимизнинг севимли от ўйинларидан бири ҳисобланади. Ҳосил байрамининг биринчи кунида кўпкари ўйинининг дастлабки беш тури намойиш қилинди. Хуллас, биринчи кунги мусобақалар зўр қизиқиш билан тугалланди.

Азиз пахтакор-деҳқон! Ҳали ҳосил байрамингиз тантаналари яна давом этмоқда. Республикамизнинг бошқа областларида ҳам бундай хушайём ҳадемай бошланади. Сизнинг ўтли туйғуларингиз, фикр-ўйларингизга, орзу-тилакларингизга ҳамища шерикмиз. Яна бир бор таъзим, Сизга, қаҳрамон пахтакор-деҳқон!

Ашурали АҲМЕДОВ,
Усмон ЮСУПОВ,
Юнус ЗИЕДОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Ҳосил байрами бутун республикамизда чинакам меҳнат байрамига айланиб кетди. Буни Тошкент отчопаридан мухбирларимиз олиб келган суратларда ҳам яққол кўришингиз мумкин. СУРАТЛАРДА: 1. Социалистик мусобақада энг юксак натижаларга эришган марду майдонлар қандай шарафланганини кўриб турибсиз. Байрам тантаналари давом этаётган шу кутлуғ айёмда улар сиймосида пахтакор диёримизнинг беш миллион уч юз ўттиз минг тонналик «оқ олтин» хирмони уйган азаматларини чин қалбдан қутлаймиз. 2. Қарши чўлқуварлари ўнинчи беш йиллик режаларини дадил амалга оширмоқдалар. Улар кечаги байрам тантаналарида ўзлари эришган ютуқларни кўз-кўз қилишди. 3. Тошкент области пахтакорлари бу йил оширилган социалистик мажбуриятларини республикада биринчи бўлиб адо этиб, машина термида ҳам энг юқори кўрсаткичга эришдилар. 4. Кенжа область—Жиззах пахтакорлари зафарини байрам иштирокчилари саминий олқишладилар. Қолган суратларда эса халқимизнинг севимли мусобақалари тасвирланган.

Р. Шамсуддинов,
Р. Шалаев (ЎзТАГ) ва
Ж. Тўраев фотолари.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН»ДА

6 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — **Руслан ва Людмила** (бадиий фильм, 1-серия). 11.50 — Ҳайвонот оламида. 15.30 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Табиат билан танишамиз. 16.40 — Концерт. 17.10 — **Кауниссаварилик Эса** (бадиий фильм). 17.55 — Онамларнинг мактаби. 18.25 — Қувноқ нотолар. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда қуёш акси бор. 19.30 — Социалистик мусобақа кундалиги. 20.15 — Финляндия республикасининг миллий байрами—мустақиллик эълон қилинган кунга бағишланган кўрсатув. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — «Поэзия» М. А. Дудин.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30— Ўқув кўрсатуви. 12.00 Ҳужжатли фильмлар. 12.30 — — География. 18.30 — Мультфильм. 18.50 — Кичкинтойлар учун кўрсатув. 19.15 — Совет турмуш тарзи. 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — Шонли ва жанговар йўллар (ҳужжатли фильм). 20.15 — Концерт. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Адабий театр. Қ. Қодиров **«Тонг».** 21.50 — Ўн минут музика. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — **Қотиллинда айбланадилар** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Балет-эртак. 19.30 — Телеспектакль. 20.40 — Тошкент янгиликлари. 20.55 — Концерт. 21.25 — Олий математика.

7 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — **Руслан ва Людмила** (бадиий фильм, 2-серия). 15.30 — Кинопрограмма. 16.20 — Жаҳон бўйлаб. 16.45 — Совет қонунчилиги асослари. 17.15 — В. Маяковский. **«Владимир Ильич Ленин»** (поэма). 17.45 — Москваликлар беш йиллик маршида. 18.15 — Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Халқ ижоди. 20.00 — «Бизнес оламида» (туркум). 20.30 — **Чукотка бошлиги** (бадиий фильм). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — СССРда румин музикаси фестивалининг очилиши.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 —Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.25 — Адабиёт. 13.00 — **Қотиллинда айбланадилар** (бадиий фильм). 18.30 — Мультфильм. 18.40 — Қизиқарли учрашувлар. 19.15— Тарихий обидаларга бағишланган кўрсатув. 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — Қишлоқларимизнинг келажаги. 20.20 — Бу ерда Шарқ музикасини ўрганадилар. 21.00— **«Ахборот».** 21.20 Концерт. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — Илғорлар минбари. 22.40 — **Олишув** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05— Болалар учун фильм. 19.20 — Эстетика. 20.00 — Фильм-концерт. 20.20 — Тошкент янгиликлари. 20.35 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 21.05 — Назарий механика.

8 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Эрталабки гимнастика. 10.30 — **Оддий ойлардан бири** (бадиий фильм, 1-серия). 11.35 — **Кинасаёҳатчилар клуби.** 15.30 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Табиат билан танишамиз. 16.15 — **Бу разведкада бўлган эди** (бадиий фильм). 17.45 — Фан оламида. 18.15 — Горничилар, қаердасиз? 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Болаларга аталган шеърлар. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.00 — **Қабоҳат заминидаги ҳаёт** (бадиий фильм). 21.30 — **«Вақт».** 22.00 — **Футбол: «ШАХТЕР» (Донецк) — «ЮВЕНТУС» (Турин).**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.30 — Жонажон ўлка. 18.55 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — **«Ахборот».** 19.30 — Фигурали учиш бўйича анъанавий мусобақа (Тошкент). 20.30 — **«Ахборот».** 20.50 — Концерт. 21.30 — **«Вақт»** (Москва). 22.00 — Мусобақа, тажриба, ташаббус. 22.30 — **Лўли** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.20 — Француз тили. 19.50 — Телевизион ҳужжатли фильм. 20.20 — Тошкент янгиликлари. 20.35 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 21.15 — Олий математика.

9 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Эрталабки гимнастика. 10.30— **Оддий ойлардан бири** (бадиий фильм, 2-серия). 11.35 — **«Бизнинг биография». 1921 йил».** 15.30 — Ҳужжатли фильмлар, 16.15 — А. Тўқомбоев ижоди. 17.00 — Ихтиочи. 17.30 — Шахмат мактаби. 18.00 — «Эсмирлар учун музикали кечалар». 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — «Музикали кечаларнинг давоми. 20.15 — Миллионлар ленинча университети. 20.45 — Халқ оҳанглари. 21.00 — Солдат мемуарлари (ҳужжатли фильм, 5-серия). 22.00— **«Вақт».** 22.30 — «Санъат усталари». Армен Жигарханян.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.25 — Жамиятшунослик. 13.00 — Қувноқ стартлар. 18.25 — Комсомол зарбдор қурилишларида. 18.55 — Илмий-оммабоп программа. 19.25 — **«Ахборот».** 19.40 — Ўзбекистон чорвадори. 20.00 — «Ижодий учрашувлар». Одил Ёқубов. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Концерт. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — **Давлат жиноятчиси** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Немис тили. 19.35— **Гаргантюа ва Пантагрюэль** (бадиий фильм). 20.20 — Тошкент янгиликлари. 20.35 — Халқ хизматида. 21.15 — Физика.

10 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — **Оддий ойлардан бири** (бадиий фильм, 3-серия). 11.35 — Миллионлар ленинча университети. 15.30— Ҳужжатли фильмлар. 16.25 — Тарих саҳифалари. 16.55 — Қисқа метражли фильмлар. 17.45 — Москва ва москваликлар. 18.15 — С. Маршак шеърлари. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ўйнаб, қўшиқ айтамиз. 19.30 — Сўз — олимларга. 19.45 — **Сайлаш** (бадиий фильм). 21.00 — **«Бизнинг биография. 1922 йил».** 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақа. 23.30 — «Артлото».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Адабиёт. 12.00 — Телефильм. 12.45 — **Лўли** (бадиий фильм). 18.30 — Ишчи шу ердан бошланади. 19.00 — Зарбдор меҳнатимиз — ўнинчи беш йиллика. 19.30 — **«Ахборот».** 19.45 — Оламга саёҳат. 20.45 — **«Ахборот».** 21.05 — В. Розов. **«Тўрт томчи»** (телеспектакль). 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 Телеспектаклнинг давоми.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.15 — Инглиз тили. 19.45— **Қирол шоҳсупаси** (телеспектакль). 20.40 — Тошкент янгиликлари. 20.55 — Фильм-концерт. 21.15 — Чизма геометрия.

11 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — АБВГДейка. 11.00 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.30 — Музикали программа. 12.00 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.30 — Музикали абонемент. 13.05 — Адабий ўқиш. 13.45 — Концерт. 14.30 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 15.10 — **Шоҳ Султон ҳақида эртак** (бадиий фильм). 16.40 — «Здоровье». 17.10 — «Спортлото» тиражи. 17.20 — Концерт. 17.45 — Шахмат бўйича СССР чемпиони А. Ахшарумова. 18.00 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильмлар. 19.45 — Совет композиторларининг қўшиқлари. 20.10 — **9-студия.** 20.30 — **Боварн хоним** (бадиий фильм, 1-серия). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақа. 23.15 — Дин Рид куйлайди.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — **Телеминиатюралар.** 11.00 — Ешлар ижоди (адабий кўрсатув). 11.30 — Жаҳоннинг машҳур композиторлари: Г. Доницетти. 12.10 — Ота-оналар учун консультация. 12.40 — Кинокўзгудаги ҳаёт. 13.20 — Шоншухрат экрани. 14.40 — «Замандас». 18.05 — Мультфильм. 18.50 — Ватан хизматига тайёрмиз! 19.15 — Ота-оналар университети. 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — «Актёрлар ва роллар». **Йайра Абдуллаева.** 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Куйланг, ёш хонандалар (телеконкурс). 21.50 Ҳужжатли фильм. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — **Мен Тянь-Шанман** (бадиий фильм, 1-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.00 — **ДУШАНБА КУРСАТУВЛАРИ.**

12 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Зарядкага сафланинг! 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 12.00 — Концерт. 13.00 — Музикали киоск. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Ольга Бергголц ижодининг саҳифалари. 15.15 — Музикали программа. 16.00 — **Халқаро панорама.** 16.30 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақа. 18.00 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — СССР халқ артисти М. Виешу куйлайди. 20.00 — Катталар учун мультфильм. 20.10 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақа. 20.40 — **Боварн хоним** (бадиий фильм, 2-серия). 22.00—**«Вақт».** 22.30 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақа (кўргазмали чиқишлар).

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Куйланг, ёш хонандалар (телеконкурс). 10.50 — В. Воеводина. Е. Рисс. **«Кўр меҳмон»** (телетеатр, 2-қисм). 11.50 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 12.30— **Бешинчи «Б» да ўқийдиган...** (бадиий фильм). 14.00 — Ота-оналар учун консультация. 14.30 — Газалим сенга (адабий кўрсатув). 15.00 — Киноэкран янгиликлари. 18.10 — Мультфильм. 18.20 — «Малишок». 18.45 — Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида. 19.15 — Ёш чолғучилар. 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — Лирик концерт. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — **Телеминиатюралар.** 22.10 — **«Вақт».** (Москва). 22.30 — **Мен Тянь-Шанман** (бадиий фильм, 2-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.00 — **ФРУНЗЕ КУРСАТУВЛАРИ.**

Кино

Сенимн, шошмай турі (9-чиқарилиши) — «ЧАЙКА» (10, 12.00), «ЎЗБЕКИСТОН» (10, 12, 14.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (10, 12, 14, 16.00), «НУКУС» (11, 13, 15.00).

Баҳор, пан сержант — «НУКУС» (17, 19, 21.00), «ЧАЙКА» (14, 16, 18, 20, 21.45), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (куфт соатларда).

Инсонга нима керак? — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (18, 20, 21.30), «ҚОЗОГИСТОН» (тоқ соатларда).

Париж сирлари — «ЎЗБЕКИСТОН» (16, 20, 21.30).

Қўрқма, бермайман — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Фил учун оркестр билан ижро этиладиган соло — «МИР» (11, 14, 17, 20.00).

Архимедлар — «ТИНЧЛИК» (тоқ соатларда).

Тақдир ўйини, ёки қушдек енгил бўлинг! — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг медицина-санитария бўлими маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари хирургия бўлимининг мудири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач Н. С. Хўжаевга онаси

Ҳафиза ХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радиоэшиттириш бўйича давлат комитети коллективи телевидение режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Э. Каримовга онаси

Санобар КАРИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент ЛЕНИН проспекти № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР
Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.
Р. 01753. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 284.